

Маҳалла тараққиёти: илмий ёндашув ва халқаро тажриба

2-с.

Эл феълига фикр билан ёндашсангиз, улкан фалсафа топасиз...

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2026 ЙИЛ
24 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

Mahalla

№86
(2414)

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БУЮРТМАЧИСИГА АЙЛАНАДИ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

“ЕТТИЛИК” ФАОЛИЯТИДА БИЛИМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан жойларда “маҳалла еттилиги” вакиллари учун семинар-тренинглар ташкил этиляпти.




“Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони ижросини таъминлаш мақсадида **Жиззах вилояти** ҳудудларида ўтказилган семинарларда маҳалла тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, “еттилик” аъзоларининг вазифа ва масъулияти, аҳоли муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни ўз вақтида ҳал этиш тартиблари муҳокама қилинди.

Иштирокчиларнинг билим ва амалий кўникмаларини ошириш, давлат идоралари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш юзасидан тушунтиришлар берилди. Маҳаллаларда тўй-маросимларни ихчам тарзда ўтказиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, гиёҳвандликнинг олдини олиш каби долзарб масалалар ҳам муҳокама марказида бўлди.

Сирдарё вилоятида ташкил этилган мулоқотларда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, хавф гуруҳидаги ёшлар билан манзилли ишлаш, ота-оналар масъулиятини ошириш ҳамда оила, маҳалла, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, маҳаллаларда ижтимоий муаммоларни эрта аниқлаш, аҳоли мурожаатлари билан тизимли ишлаш ва ҳар бир хонадоннинг эҳтиёжидан келиб чиқиб амалий чоралар белгилаш масалаларига тўхталиб ўтилди. “Маҳалла еттилиги” аъзолари ўртасида вазифаларни мувофиқлаштириш, натижадорликни таъминлаш юзасидан тавсиялар берилди.



Куёвнавкарлик, аслида, бу — қадрият, мутлақо “хурмача” қилиқлар намойиши эмас...

ПРЕЗИДЕНТ — МАҲАЛЛАМИЗ МЕҲМОНИ!

ҚАШҚАДАРЁДА ЮКСАЛИШ НАФАСИ, ЯРАТУВЧИЛИК ЗАЛВОРИ



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 21-22 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Президентимизнинг ҳар бир ташрифини қашқадарёликлар алоҳида интиқлик ва катта умид билан кутади. Чунки бундай учрашувлар ортида ҳудуднинг эртанги кунига дахлдор режалар, одамларни йиллардан буён ўйлантириб келган масалалар ечими, янги имкониятлар ва эзгу ниятлар мужассам. Қашқадарёга бу галги ташриф ҳам ана шундай эзгу мақсадлар, янги ташаббуслар ва катта вазифалар билан аҳамиятли бўлди.

Давлатимиз раҳбари икки кунлик сафари давомида **саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим соҳаларида ҳамда маҳаллаларда** амалга оширилаётган ишлар билан танишди, **янги корхона ва объектларни ишга тушириш** маросимларида иштирок этди. **Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари** муҳокама қилинди.

Қашқадарёдаги ўзгаришларнинг мазмуни замирида ҳудуднинг ички имкониятларини ишга солиш, ҳар бир маҳаллада иқтисодий фаолликни кучайтириш ва одамлар ҳаётида сезиларли натижага эришиш мақсади мужассам. Бир неча йил аввал ижтимоий-иқтисодий муаммолари кескин бўлган ҳудудлардан бири ҳисобланган вилоятни **йил якунига қадар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш** вазифаси ҳам шу мақсаднинг нақадар жиддийлигини кўрсатади.

Қамаши туманидаги “Чим” маҳалласида инфратузилмани янгилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар бу йўлнинг амалий натижаларини намоён этса, **Ғузор туманидаги “Қовчин” маҳалласи** ҳудудида ташкил этилган замонавий кўчатчилик маркази “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини янги босқичга олиб чиқиш, кўкаламзорлаштиришни аҳоли бандлиги ва қўшимча даромад манбалари билан боғлаш имконини беради.

Бу ташаббусларни бирлаштириб турган муштарак ғоя — маҳаллада яратилган имкониятларни инсон фаровонлиги, ҳудуд тараққиёти ва келажак авлодлар манфаатига хизмат қилдиришдир.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Барча масъулият онанинг зиммасида...(ми?)

Ҳар бир оиланинг муаммосига алоҳида ёндашиш керак. Чунки кимгадир самимий суҳбат ва маслаҳат ёрдам берса, бошқа бир вазиятда малакали психологик ёки ҳуқуқий кўмак талаб этилади. Асосий мақсад — оилани расман сақлаб қолиш эмас, балки ундаги инсонларнинг қадри, ҳуқуқлари ва руҳий осойишталигини таъминлашдир.

4-с.

Қорнимиз тўқ, аммо тафаккуримиз-чи?

Агар одамлар қимматбаҳо зиёфат учун минглаб маблағ сарфлашга тайёру, фарзандига китоб олиб беришда иккиланаётган бўлса, демак, биз шунчаки истеъмол одатлари ҳақида эмас, қадриятларимиздаги номутаносиблик ҳақида гапиришимиз керак.

6-с.

“Тўйлар муборак” матнини Машраб ёзганми?

Бу қўшиқни тинглаганимизда, кўз олдимизга шодиёна, бахтли ёшлар ва эзгу тилакларга тўла давра келади. Аммо биз қувончли онларда завқ билан тинглайдиган бу тароранинг сўзларига бироз чуқурроқ назар ташласак, улар замирида бошқа бир маъно яширинганини англаш мумкин.

7-с.



“МАҲАЛЛА — ОИЛА — МАКТАБ” ҲАМКОРЛИГИ:

Келажак тарбияси ягона мақсад, муштарак масъулиятни талаб қилади

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги тарихий нутқида Ватанимизни тараққий эттиришнинг янги миллий юксалиш даври бошланганини эълон қилди. Давлатимиз раҳбари илгари сурган еттита миллий дастур мамлакатнинг келгуси тараққиёт йўналишларини белгилаб берди.



Мазкур дастурлар мазмунига эътибор қаратсак, уларни бирлаштириб турувчи муштарак ғояни кўрамиз: инсонни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва жамият тараққиётидаги иштирокини кенгайтириш. Бу жараёнда маҳалла институтининг алоҳида ўрин тутиши бежиз эмас. Зеро, **маҳалла — янги юксалиш даврининг муҳим координатори, ислоҳотларнинг аҳоли ҳаётидаги амалий ифодасини таъминловчи таянч институтдир.**

Давоми 3-саҳифада.

“MAHALLA” — изланиш ва масъулият сабоғи

Бахтиёр КАРИМОВ,
Хонқа туманидаги “Ёш куч” маҳалласи раиси:

— Маҳалла раиси одамларнинг ҳаётини, фикрини ва эҳтиёжини тўғри англаши лозим. **“Mahalla” газетасини кўп йиллардан буён ўқишимнинг сабаби ҳам шу:** мақолалар орқали бошқа ҳудудларда қандай иш олиб борилаётганини кўраман, тажрибамизни таққослайман, баъзан ўзимиз эътибор бермаган жиҳатларни кашф этаман.



Севимли нашримга 2027 йил учун ҳам обуна бўлдим. Менимча, маҳалла раиси фақат ўз ҳудудидаги воқеалар билан чекланиб қолмаслиги керак. Унинг **дунёқараши кенг, фикри теран, ёндашуви эса изланишга асосланган** бўлиши зарур. Газетадаги бир мақола муаммога бошқача қарашга, бир тажриба янги ташаббусга, бир фикр эса одамлар билан суҳбатда тўғри ечим топишга туртки бериши мумкин. Шу боис газетани нафақат ўзим ўқийман, балки маҳалламиздаги ҳамкасблар ва фаоллар билан ҳам муҳокама қилишни муҳим, деб биламан.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИ
Сирдарё ва Жиззах вилоятлари маҳаллаларида журналистлар учун медиа-тур уюштирди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи Санжар Қурбонов ЯНГИАРИҚ ТУМАНИДАГИ “СОБУРЗОН” МАҲАЛЛАСИ ёшлари билан учрашди.



МАРҒИЛОН ШАҲРИДАГИ “ЗУҲРО” МАҲАЛЛАСИДА “Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон” тамойили доирасидаги ишлар якунланди.

ПРЕЗИДЕНТ — МАҲАЛЛАМИЗ МЕҲМОНИ!

ҚАШҚАДАРЁДА ЮКСАЛИШ НАФАСИ, ЯРАТУВЧИЛИК ЗАЛВОРИ

Рустам ЮСУПОВ,
“Mahalla” мухбири.



ЯШАШ УЧУН ҚУЛАЙ, ИШЛАШ УЧУН ДАРОМАДЛИ ШАРОИТ ЯРАТИЛДИ

Одамлар ўзгаришларга, аввало, ўз хонадони ва маҳалласидаги ҳаёт орқали баҳо беради. Кўчаси асфальт бўлиши, хонадонига ичимлик сув келиши, фарзанди учун яқин жойда боғча, мактаб, спорт майдони, кутубхона, замонавий касб марказининг барпо этилиши, иш излаётган оила аъзосининг муносиб меҳнат билан банд бўлиши унинг эртанги кунга бўлган ишончини оширади. Шу маънода, маҳаллани ривожлантириш мамлакат тараққиётини ҳар бир оиланинг турмуши билан боғлайдиган энг муҳим йўналиш дейиш мумкин. Бу ерда қабул қилинган қарорнинг қадри ҳам, ажратилган маблағнинг самараси ҳам одамлар ҳаётида юз берган ўзгариш билан ўлчанади.

Буни биргина Қамаши туманидаги “Чим” маҳалласи мисолида кўриш мумкин. Бугун мазкур маҳалладаги ўзгаришлар ҳар бир кишини ҳайратга солади. 38 йил ёшларга таълим-тарбия берган 65 ёшли отахон — Бердимурод Мирзаевнинг айтишича, мазкур маҳалла бир ярим минг йиллик тарихга эга, бироқ узоқ йиллар эътибордан четда қолиб, аҳолига муносиб шароитлар яратилмади.

— *Маҳалламизга Президентимизнинг назари тушгач, Янги Ўзбекистон руҳи кириб келди,* ***— дейди отахон.*** *— Ҳудуднинг меъморий қиёфаси тудан янгиланиб, иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти ошди. Зарур қулайликлар яратилиши натижасида аҳолининг яшаш шароити ҳам тубдан ўзгарди. Қувонарлиси, ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Бугун чимликларнинг ҳар бири бу ўзгаришларни ўз ҳаётида ҳис этяпти.*

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, “Чим” маҳалласи замонавий маҳалла қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб берди. Кеча қандай эдию бугун қандай бўлди?! Бугун бу ерда 640 ўринли мактаб, 240 ўринли боғча қурилди, оилавий поликлиника жиҳозланди. Янги маҳалла биноси, ёшлар маркази, спорт мажмуаси ва истироҳат боғи барпо этилди. Қувонарлиси, маҳаллада камбағал оила, ишсиз аҳоли қолмади.

— *Президентимизнинг маҳалламизга ташриф буюриши чимликлар ҳаётини тубдан ўзгартирди,* ***— дейди Қамаши туманидаги “Чим” маҳалласи раиси Собир Ирисбоев.*** *— Бугун нафақат чимликлар, балки маҳалламизга келган ҳар бир меҳмон бу янгиланишлардан ҳайратланяпти. “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” тамойили асосида инфратузилмани янгилашга 55 миллиард сўм йўналтирилди. Бунинг натижасида 4,5 километр йўл қурилиб, электр таъминоти ва сугориш тармоқлари янгиланди. 135 та хонадон таъмирланиб, 14 та уйга қуёш панели ўрнатилди. Олтита сугориш қудуғи қазилиб, ички кўчаларнинг 3,2 километрига ток сўриси қурилди. Эътиборлиси, республика маҳаллалари ичида ягона бўлган – “Ёшлар кутубхонаси” қурилиб, унда китобхонлар учун барча зарур шароитлар яратилди. Шунингдек, бу ерда ахборот технологиялари, сунъий интеллект ва ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилди.*

Энг муҳими, замонавий “Маҳалла маркази” биноси қурилиб, “маҳалла еттилиги” аъзоларининг янада самарали ишлаши учун муносиб шароитлар яратилди. Илгари маҳалланинг ўз биноси бўлмаган, турли хил идора ва таълим муассасалари бино ва иншоотларида сарсон-саргардон бўлиб, кўчиб юрардик. Фуқаролар ҳам энди узоққа қатнаб юрмайди, маҳалланинг ўзида 900 дан ортиқ давлат хизматларидан фойдаланишади.

Ҳудуд хавфсизлигини таъминлаш учун “SOS” тезкор чақирув тугмаси ва замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатилди. Аҳолига тезкор ёрдам кўрсатиш учун “Маҳалла муҳофазаси” хизмати ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, аҳоли учун нима керак бўлса, барча шарт-шароит яратилди. Президентимиз билан мулоқотда бу қулайликлар учун миннатдорлик билдирдик. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари “маҳалла еттилиги” фаолиятини янада жонлантириш, бандлик, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолликни ошириш зарурлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, “Чим” маҳалласи аҳолиси даромадини ошириш учун янги имкониятлар яратилди. Бунинг натижасида 70 нафар тадбиркор фаолиятини кенгайтириб, яна 20 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Биргина автомагистраль бўйидаги хизмат кўрсатиш объектлари сони 31 тадан 137 тага етиб, 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Маҳалла идорасининг иккинчи қаватида иш бошлаган тикувчилик цехида 45 нафар, гиламчилик ва каштачилик корхонасида 54 нафар хотин-қиз доимий даромад манбаига эга бўлди. Йигирмага яқин хонадонда умумий майдони 36 сотих бўлган иссиқхоналар ташкил этилди. Уларда етиштирилган маҳсулотларни сақлаш учун 200 тонналик музлаткич қурилди. Бу ишлар орқали 80 дан ортиқ ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

“ЧИМ”ДА ЕТИШТИРИЛГАН МАҲСУЛОТ ЖАҲОН БОЗОРИНИНГ 85 ФОИЗИНИ ТАЪМИНЛАЯПТИ

Мазкур маҳаллада кооперация тизими яхши йўлга қўйилган. Хусусан, тадбиркор – Абдуманноп Худойбердиев мазкур маҳалла ҳудудида 4,5 гектар майдонда иссиқхона ташкил этиб, кооперация асосида лимончиликни ривожлантириб, аҳоли даромадини оширишга ҳисса қўшяпти. Тадбиркор аҳолига кўчат, ўғит ва агротехник хизматлар етказиб беради, етиштирилган ҳосилни яна ўзи кафолатланган нархда сотиб олади. Кооперация асосида ишлаётган фуқаролар ҳам лимон кўчатлари орасига картошка, брокколи ва кўкатлар экилиши ҳисобига дарахтлар ҳосилга киргунига қадар қўшимча 14-16 миллион сўм даромад оляпти.

Президентимиз Абдуманноп Худойбердиевнинг меҳнатларини эътироф этиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” унвони билан тақдирлади.

Азамат Чориев ҳам кооперация асосида фармацевтика ва косметика саноатида қўлланиладиган гулхайри, жасмин, қизилмия ўсимликларини етиштириб, дунё бозорини эгаллади.

— *“Чим” маҳалласи ва унга қўшни — “Кўшкўпа”, “Сарбозар” маҳаллаларидаги 1 423 та ҳамда қўшни туманлардаги 400 та хонадон билан кооперация асосида гулхайри ўсимлигини етиштиряпмиз,* ***— дейди “BBU-AZAMAT” корхонаси раҳбари Азамат Чориев.*** *— Ҳар йили 10 февралдан 30 мартгача кооперация асосида хонадонларга уруғ ва кўчат етказиб бераман. Сўнг хонадонлар етиштирган ҳосилнинг ҳар бир килосини 95 минг сўмдан ўзим қайта сотиб оламан. Бир йилда 60 тонна гулхайри маҳсулотини Швейцария, Польша, Нидерландия, Германия ва Эквадор давлатларига экспорт қилиб, жаҳон бозорининг 85 фоизини таъминлаяпмиз. Бундан ташқари, 250 гектар майдонда жасмин ва қизилмия баргини етиштиряпмиз. Йилига 200 тонна жасмин ва 900 тонна қизилмия баргини тайёр маҳсулот сифатида жаҳон бозорига етказиб беряпмиз. Ҳозирда 45 нафар доимий, 800 нафар мавсумий ишчимиз бор.*

Тадбиркор шу билан чекланиб қолгани йўқ. У Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах вилояти ҳамда қўшни республикаларда ҳам ушбу маҳсулотларни етиштириб, ўзимизда қайта ишлаб, экспортга йўлланяпти.

Эндиликда Миришкор туманида ҳам “Чим” маҳалласи тажрибаси қўлланади. Келгуси йил Мустақиллик байрамигача ҳар бир туманда иккитадан замонавий маҳалла маркази ташкил этилиши белгиланди.

МАҲАЛЛА АҲОЛИСИ КАФОЛАТЛАНГАН КЎЧАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Президентимиз ташриф давомида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида **Ғузор туманидаги “Қовчин” маҳалласи** ҳудудида ташкил этилган кўчатчилик маркази фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 23 сентябрдаги фармони билан маҳаллаларнинг кўкаламзорлаштиришдаги ролини кучайтириш, “3-30-300” тамойили асосида яшил ҳудудларни кенгайтириш вазифалари белгиланган. Янги марказ сифатли кўчат етиштиришни маҳаллалар эҳтиёжи, дарахтларни парваришлаш ва аҳоли бандлиги билан боғлашга қаратилгани билан янада аҳамиятли. Хориж тажрибаси асосида 65 гектар майдонда ташкил этилган мажмуанинг қиймати 9,5 миллиард сўм.

— *Ушбу марказнинг ташкил этилиши айни муддао бўлди,* ***— дейди “Қовчин” маҳалласи раиси Раъно Жонқувватова.*** *— Чунки шу вақтга қадар аҳолимизни бир тадбиркор помидор, бодринг, булғор қалампири ва турли хил гул кўчатлари билан таъминлаб келаётган эди. Энди эса деҳқонларимизнинг ишончли, сифатли, ҳосилдор, касалликка чидамли, энг муҳими, кафолатланган кўчатлар харид қилиш имконияти яратилди. Шу билан бирга, 100 га яқин янги иш ўрни яратилди. Марказнинг 50 гектари манзарали дарахтлар, 5 гектари мевали дарахтлар, 3 гектари бута ва гул кўчатларини етиштиришга ажратилган. Биринчи босқичда 1,6 миллион дона, кейинги босқичда 5 миллион дона ниҳол ва кўчат етиштириш кўзда тутилган. Бу ерда 41 турдаги манзарали ва игнабаргли дарахт кўчатлари мавжуд.*

Мажмуада очиқ кўпайтириш майдонлари, иссиқхона, уругдан ниҳол етиштириш ва кўчатларни соялаш иншоотлари барпо қилинган. Томчилатиб сугориш тизими ўрнатилган, қуёш панелларидан фойдаланилмоқда. Замонавий технологиялар йил давомида, жумладан, экиш мавсумидан ташқари вақтда ҳам кўчат етиштириш имконини беради. Ҳисоб-китобларга кўра, анъанавий усулларга нисбатан етиштириш ҳажми 8-10 баробар кўпайиб, сув сарфи 3 баравар камаяди. Бу кўчатлар таннархини 30-40 фоизга пасайтиради.

Марказда маҳаллаларни яшиллаштириш учун алоҳида хизматлар йўлга қўйилган. Улар кўчат ва буталар етказиб бериш, зарарланган дарахтларни даволаш, мулчалаш ҳамда томчилатиб сугориш тизимларини ташкил этишни қамраб олади. Ҳар бир маҳаллага ўрмончи мураббий бириктирилиб, “еттилик” аъзолари учун ҳар бир экиш мавсуми олдидан ўқувлар ўтказилади. Кооперация шартномалари асосида фуқароларга ниҳоллар етказиб берилади. Улар хонадонларда бир-икки мавсум парваришланиб, тайёр кўчатга айлангач, кафолатли тарзда сотиб олинади. Бу оилаларга қўшимча даромад манбаи яратади.

Ташриф давомида яна бир муҳим ташаббус эълон қилинди: вилоятда кўчат экиш ва яшил ҳудудларни кўпайтириш бўйича “Қашқадарё тажрибаси” яратилади. Ҳар йили Наврўз арафасида “Энг яшил маҳалла” танлови ўтказилиб, ғолиблар электромобиль ҳамда бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

***

Қашқадарёдаги ташаббусларнинг аҳамияти шундаки, улар маҳалла тараққиётини бир марталик бунёдкорлик ишлари билан чекламай, узоқ муддатли иқтисодий ва ижтимоий натижаларга йўналтирмоқда. “Чим” тажрибаси инфратузилма одамлар учун янги имкониятлар эшигини очиши, кооперация эса хонадон меҳнатини бозор ва экспорт билан боғлаши мумкинлигини кўрсатади. “Қовчин”даги кўчатчилик маркази эса яшил ҳудудларни кўпайтириш, сувни тежаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш вазифаларини бир нуқтада бирлаштиради.

Энди асосий мезон — бу тажрибаларнинг бошқа маҳаллаларда ҳам самарали давом эттирилиши, яратилган имкониятларнинг барқарор натижага айланиши.



АНЖУМАН

Фарғона вилоятида “Маҳалла — барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий институти: назария, амалиёт ва халқаро тажриба” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

МАҲАЛЛА ТАРАҚҚИЁТИ: ИЛМИЙ ЁНДАШУВ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Анжуман **Ўзбекистон Республикаси Таълим ва илм-фан вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги** ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда тегишли ташкилотлар масъуллари, маҳалла тизими ходимлари, профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар ва халқаро экспертлар иштирок этди.

Маҳаллада ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, оилалар даромадини ошириш, аҳоли муаммоларини манзилли бартараф этиш каби вазифалар ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос шароитини ҳисобга олган ҳолда ишлашни талаб этади. Бир маҳаллада самара берган усул бошқасида кутилган натижани бермаслиги мумкин. Шу боис маҳаллий муаммоларни фақат кундалик тажриба асосида эмас, балки **илмий таҳлил, аниқ мезонлар ва натижадорликка қаратилган ёндашувлар асосида ҳал қилиш** зарурати мавжуд.

Айниқса, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги имкониятларини тўлиқ ишга солиш учун **қайси бошқарув усуллари самара бераётгани, хорижий тажрибанинг қайси жиҳатларини миллий тизимга мослаштириш мумкинлиги ва илмий ишланмаларни амалиётга қандай татбиқ этиш** масалалари муҳим. Фарғонада ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуман шу саволларга жавоб излаш, маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга доир аниқ таклиф ва ечимларни муҳокама қилишга қаратилди.

Анжуманда **Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) вакиллари ҳамда туркиялик экспертларнинг** маҳаллани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, халқаро тажриба ва бошқарув усулларига оид маърузалари тингланди. Маҳалла институти фаолиятини такомиллаштиришда хорижий тажрибадан фойдаланиш имкониятлари, шунингдек, миллий амалиётга мос ечимларни ишлаб чиқиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.



Жумладан, Туркиянинг Боғатепа қишлоғи тажрибаси асосида маҳаллий ишлаб чиқариш ва олис ҳудудларни ривожлантириш имкониятлари, “Янги Қува” маҳалласи мисолида бандликни таъминлаш, маҳаллага инвестиция жалб қилиш, тадбиркорлик ва барқарор ҳудудий ривожланиш моделларини ишлаб чиқиш масалалари таҳлил қилинди.

Муҳокамаларда маҳаллаларда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, оилалар билан манзилли ишлаш, ҳудудлардаги иқтисодий имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали аҳоли даромадларини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Профессор-олимлар ушбу йўналишларда илмий асосланган ёндашувлар ва амалий тавсияларини тақдим этди.

— *Халқаро анжуман маҳалла тизими фаолияти учун муҳим янгиликларга бой бўлди,* ***— дейди Қува туманидаги “Янги Қува” маҳалласи раиси Қобилжон Юнусов.*** *— Аввало, унда маҳалла бошқарувини ташкил этишдаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратилган бўлса, Миллий юксалиш дастурлари доирасида олдимизда турган вазифалар ҳам атрофлича тушунтирилди. Қолаверса, ўзини ўзи бошқариш, маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш, бандликни таъминлашдаги халқаро тажрибалар муҳокамалар марказида бўлди. Оилалар билан ишлаш, уларнинг муаммоларига ечим топиш бўйича янги услублар билан таништик.*

Анжуман доирасида маҳалла тизими фаолиятига оид назарий қарашлар ва амалий тажрибаларни қиёсий ўрганиш, илмий хулосаларни амалиёт билан боғлаш ҳамда соҳа мутахассислари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган мулоқотлар ўтказилди.



Бишкек шаҳрида ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА аъзо ва кузатувчи давлатларнинг ёшлар ва спорт масалаларига масъул вазирлари 10-йиғилиши бўлиб ўтди.



Бўстонлиқ туманидаги Ёшлар оромгоҳида МАҲАЛЛАДАГИ 100 НАФАР ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ иштирокида “Yetakçi Camp” лойиҳасининг 8-мавсуми ташкил этилди.



Тошкент Ботаника боғида ёшлар ва барча илм-фан ишқибозлари учун “ФОРМУЛА 35” ФАН ФЕСТИВАЛИ ташкил этилди.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

2008 йилдан буён шу маҳаллада турли лавозимларда ишлаб келаман. Бу ердаги хонадонларни, одамларнинг қувончу ташвишларини, кимнинг қандай муаммоси борлигини яхши биламан. Икки йил аввал маҳалла раиси этиб сайланганимда, зиммамга катта масъулият юкланганини янада теран ҳис қилдим.

ЭЛ ФЕЪЛИГА ФИКР БИЛАН ЁНДАШСАНГИЗ, УЛКАН ФАЛСАФА ТОПАСИЗ...

Индира ХЎЖАҚУЛОВА,
Янгиер шаҳридаги “Юксалиш” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда 3 404 нафар аҳоли истиқомат қилади. Чорвачилик ва хизмат кўрсатиш аҳолининг асосий даромад манбалари ҳисобланади. Ҳудудимизда тадбиркорликни ривожлантириш, мавжуд иш ўринларини сақлаш ва янгиларини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Бу йилги хатловда 33 нафар фуқаро ишсиз сифатида аниқланди. Энди уларнинг ҳар бирига мос даромад манбаини топишимиз керак. Бунинг учун аҳолини тадбиркорликка йўналтириш, касб-ҳунарга ўқитиш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишига кўмаклашяпмиз. Хотин-қизлар орасида ҳам ўз тадбиркорлигини бошлаётганлар бор.

Масалан, олти нафар аёл уй шароитида чорвачиликни йўлга қўйди. Саёҳат Абдуллаева эса аввалдан паррандачилик билан шуғулланиб келаётган бўлса-да, фаолиятини кенгайтириш мақсадида 20 миллион сўм кредит олди. Бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлаш орқали оилаларнинг даромадини ошириш ва уларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга интиляпмиз.



Маҳалламиздаги энг сезиларли ўзгаришлардан бири ичимлик сув муаммосининг ҳал этилгани бўлди. Аҳоли узоқ йиллар давомида сувни олисдан ташиб келишга мажбур эди. Раисликка сайланганимдан кейин, аввало, тўртта кўчани ичимлик сув билан таъминлаш масаласини ҳал этишга киришдик. Кейин кўчаларни таъмирлаш, йўлларни текислаш, электр таъминотидаги узилишларни бартараф этиш ишларини бошладик. Ҳали олдимизда вазифалар кўп. Лекин одамларнинг кундалик ҳаётидаги ўзгаришларни кўриб, ҳаракатларимиз самарасини ҳис қилишимиз бизга янада куч бағишлайди.

Бугун маҳалламиз мамлакатимизнинг “ТОП-100” талик маҳаллалари қаторида эътироф этилди. Ҳудудимизнинг “яшил” тоифага киритилгани, жиноятчилик ҳолатлари қайд этилмаётгани ва оилавий ажралишлар камлиги ҳамкорликдаги ишимиз натижасидир. Албатта, ҳар бир оилада турли келишмовчиликлар юзага келиши мумкин. Муҳими, уларни вақтида аниқлаб, низонинг чуқурлашишига йўл қўймаслик. Шу мақсадда Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси билан биргаликда хонадонларга бориб, оила аъзоларининг фикрини тинглаймиз, уларни ўзаро муросага чақирамиз. Баъзан холис суҳбатнинг ўзи одамларга вазиятга бошқача қараш, бир-бирини тушуниш имконини беради.

Маҳалла раиси сифатида бир ҳақиқатни англадим: одамлар билан ишлашда энг катта куч — ишонч. Яқинда айрим фуқароларнинг “Маҳалла раисимиз биз учун ўз оиламиз аъзосидек, уйимизга бемалол кириб келади, муаммоларимизни ҳал қилишга ёрдам беради”, деган гапларини эшитдим. Бу сўзлар менга катта мамнуният бағишлади. Чунки раис учун энг катта эътироф — одамларнинг унга ишониши, дардини яширмай айтиши ва муаммосига ечим топишда унга таяниши. Бу ишончни оқлаш эса ҳар куни, ҳар бир хонадонда амалий ҳаракат билан исботланиши керак.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

НУҚТАИ НАЗАР

“МАҲАЛЛА — ОИЛА — МАКТАБ” ҲАМКОРЛИГИ:

Келажак тарбияси ягона мақсад, муштарак масъулиятни талаб қилади

Мансур БЕКМУРОДОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси маслаҳатчиси.



Инсоннинг маънавий ва интеллектуал камолоти бир кунда шаклланмайди. Бу — оилада бошланиб, мактабгача таълим ташкилотида давом этадиган, мактабда янги мазмун билан бойийдиган ва бутун умр давомида такомиллашиб борадиган жараён. Унинг ҳар бир босқичи кейинги босқич учун замин яратади. **Шу боис таълим, тарбия ва шахсий ривожланишни ягона тизим сифатида ташкил этиш зарур.**

Бу тизимнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан **маҳалла, оила, мактаб ва таълим олаётган боланинг ўзаро ҳамкорлигига** боғлиқ. Ушбу имкониятлар бир мақсадга йўналтирилса, тарбиядаги узилишлар камаяди, ҳар бир болага индивидуал ёндашиш осонлашади. Шу ўринда тарбия жараёнини **рақамлаштириш масаласи** ўртага чиқади. **Рақамлаштиришнинг асл моҳияти —** боланинг ривожланишини босқичма-босқич кузатиш, эришилган натижаларни баҳолаш, эҳтиёж ва қобилиятларини аниқлаш ҳамда кейинги ривожланиш йўналишларини белгилаш имконини берадиган тизимни шакллантиришдир.

Биринчи босқич: мактабгача таълим — шахс камолотининг пойдевори. Боланинг келгуси ҳаётига дахлдор кўплаб одатлар, муносабатлар ва кўникмалар айнан илк ёшда шаклланади. Шу сабабли мактабгача таълим даврида унинг **жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожланишига** бирдек эътибор қаратиш лозим.

Жисмоний ривожланиш, аввало, боланинг соғлом ўсиши, ҳаракатчанлиги, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиши ва жисмоний машқларга қизиқишининг ортишида намоён бўлади. **Интеллектуал ривожланишда** эса боланинг ҳарфларни таниши, содда сўзларни ўқишга қизиқиши, рангларни фарқлаши, расм чизиши, 30 дан 100 гача санашни ўрганиши ва атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурларини бойитишига эътибор қаратилади. **Маънавий тарбия** эса болага катталарни ҳурмат қилиш, тенгдошлари билан дўстона муносабат ўрнатиш, ота-она ва устозларга меҳр кўрсатиш каби оддий, аммо ҳаётий аҳамиятга эга қадриятларни сингдиришдан бошланади.

Шу билан бирга, боғча ёшидаги болалар **“Ассалому алайкум”, “Лаббай”, “Хўп бўлади”, “Кечиринг”, “Олсам майлими?”, “Рухсат беринг”** каби сўзларни ўз ўрнида ишлатишни одатга айлантириши, озодаликни сақлаш, овқатланиш ва кийиниш одобига амал қилиши, навбатда туриш, йўлдан тўғри ўтиш, хавф-хатарни англаши тарбиянинг дастлабки қадамларидан биридир.

Иккинчи босқич: бошланғич таълим — билим ва ижтимоий кўникмаларнинг шаклланиши. Мактабга қадам қўйган бола учун ҳаётнинг янги даври бошланади. У энди оиладаги одатий муҳитдан ташқарида, муайян қоидалар ва масъулиятлар асосида фаолият юритишни ўрганади.

Давлат рамзларини таниш, мадҳиямизни ёддан айта олиш, Ватан ва ўз маҳалласи ҳақида тасаввурга эга бўлиш болада дахлдорлик туйғусини шакллантиради. Бу даврда болалар маҳалла гузари, кутубхона, боғ, музей, тарихий обидалар, болалар театри ва кинотеатрларга оилавий ёки синф жамоаси билан ҳафтада камида бир марта бориб туриши мақсадга мувофиқ. Йил давомида камида тўртта болалар бадиий асарини ўқиш ва шеър ёдлашни рағбатлантириш керак. Бошланғич синфларда мулоқот маданиятига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Учинчи босқич: 5-8 синфлар — мустақил фикр ва шахсий позицияни шакллантириш. Ўсмирлик даври инсон камолотида алоҳида ўрин тутади. Бу йилларда боланинг қизиқишлари ўзгаради, мустақилликка интилиши кучаяди, тенгдошларининг фикри ва муносабатига эътибори ортади. Шу билан бирга, унинг қобилиятлари, диди, феъл-атвор хусусиятлари ва келгуси касбий йўналишларига оид дастлабки тасаввурлари аниқроқ намоён бўла бошлайди.

Шу сабабли 5-8-синфлардаги ўқувчиларнинг миллий ўзликни англаши, миллий қадриятлар ва ахлоқий меъёрларни тушуниши, мустақил қарор қабул қилишга тайёрланиши ҳамда ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулиятни ҳис этиши муҳим аҳамият касб этади. Дўстларга садоқат, ўзидан кичикларга ғамхўрлик, катталарга ҳурмат, жамоат ишларида фаол иштирок этиш, устозларга кўмаклашиш каби фазилатлар амалий фаолият орқали шаклланади. **Ҳафтада бир марта** музейлар, театрлар, ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликларига саёҳатлар болаларнинг назарий билимларини ҳаёт билан боғлайди.

Китобхоналарга аъзо бўлиш, йил давомида **камида беш-олтита бадиий асарни** мутолаа қилиш, шеърларни ёд олиш, ўқилган асарлар бўйича фикр алмашиш каби машғулотлар ҳам тавсия этилади.

Тўртинчи босқич: 9-11 синфлар — касб танлаш, масъулият ва мустақил ҳаётга тайёргарлик. Мактабнинг юқори синфларида ўқувчи олдидаги энг муҳим вазифалардан бири — келажагини англаб танлашдир. Қайси касбни эгаллаш, қаерда таълимни давом эттириш, қандай ҳаётий мақсадлар сари интилиш каби қарорлар унинг кейинги тақдирига жиддий таъсир кўрсатади.

Ҳар бир битирувчи ўз қобилияти, қизиқиши ва имкониятларини тўғри баҳолашни ўрганиши керак. Устоз танлаш, тажрибали мутахассислар билан мулоқот қилиш, касблар билан яқиндан танишиш ва амалий машғулотларда қатнашиш бу жараённи самарали ташкил этишга ёрдам беради. Юқори синф ўқувчилари учун китобхонликнинг аҳамияти ҳам янада ортади. Йил давомида **камида олти-еттита бадиий асарни мутолаа қилиш**, шеър ёдлаш, ўқилган асарлар юзасидан мунозараларда қатнашиш уларнинг дунёқараши ва нутқини бойитади.

Бешинчи босқич: “маҳалла еттилиги” — ҳамкорликни ягона натижага йўналтириш. Фарзандларимизни ҳаётга тайёрлаш тизими самарали ишлаши учун унинг барча иштирокчилари ўз вазифасини аниқ англаши ва умумий мақсад йўлида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши зарур. Бу борада “маҳалла еттилиги” алоҳида имкониятларга эга.

Биринчидан, Президентимиз илгари сурган миллий тараққиёт мақсадларини маҳалла ҳаёти билан боғлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш ва амалий натижаларини таъминлаш “еттилик” фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиши керак.

Иккинчидан, “еттилик”нинг ҳар бир аъзоси ўз йўналиши бўйича аниқ мақсад ва амалий вазифаларни белгилаб олиши, уларнинг ижросини мунтазам таҳлил қилиб бориши лозим.

Учинчидан, уларнинг ўз устида мунтазам ишлаши, билим ва малакасини ошириши ҳам муҳим. Бугунги тезкор ўзгаришлар даврида замонавий бошқарув, рақамли технологиялар, мулоқот маданияти ва муаммоларни таҳлил қилиш кўникмаларини эгалламасдан туриб, аҳоли эҳтиёжларига самарали жавоб бериш қийин.

Тўртинчидан, “еттилик” аъзолари умумий мақсад йўлида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ҳаракатланишни асосий тамойилга айлантириши зарур. Улар маълумот алмашиши, муаммоларни биргаликда таҳлил қилиши, вазифаларни ўзаро мувофиқлаштириши ва ҳар бир масаланинг ечими учун умумий масъулиятни ҳис қилиши лозим.

Бешинчидан, аҳолида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик, эришилаётган натижалардан фахрланиш ва келажакка ишонч туйғуларини мустаҳкамлаш ҳам “еттилик” фаолиятининг муҳим вазифасидир.

Олтинчидан, “еттилик” фаъзолари рақамли технологияларни ўзлаштириши, замонавий ахборот маконида эркин ва масъулиятли фаолият юрита олиши ҳам зарур. Улардан тўғри фойдаланиш орқали билим, ташаббус, масъулият ва инсонлар билан ишлаш маҳорати ошиб боради.

Баъзида бир туртки билан тақдирлар ўзгаради

Маҳаллада ёшлар билан ишлашнинг энг муҳим жиҳати, менимча, уларнинг муаммоси сабабини англаш ва ечим топилгунча ёнида бўлишдир.

Муҳайё КОМИЛОВА,
Тўрткўл туманидаги “Ғалаба” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Чунки ишсиз ёшлар ортида шунчаки бандлик масаласи эмас, оиласининг ташвиши, ўзига бўлган ишончи ва келажаги ҳақидаги хавотирлари туради. Таълимни давом эттиришга қийналаётган йигит ёки қиз учун эса баъзан биргина имконият бутун ҳаёт йўлини ўзгартириши мумкин. **Ёшлар етакчиси сифатида айнан шуни англадим:** ҳар бир ёшга бир хил ёндашиб бўлмайди, ҳар бирининг ҳаётий шароити, қизиқиши ва мақсади турлича...

“Ғалаба” маҳалласида ишни, аввало, ёшларни яқиндан таниш, уларнинг эҳтиёжларини ўрганишдан бошладик. “Ёшлар дафтари”га киритилган олти нафар йигит-қизнинг муаммосига манзилли ёндашдик. Уч нафарининг шартнома тўловига кўмаклашилди, бир нафар ёш зарур асбоб-ускуналар билан таъминланди, яна икки нафари касб-ҳунар курсларига йўналтирилди.

Шоҳруҳ Саъдуллаевнинг ҳаёт йўли бунга мисол. Шартнома тўловини амалга оширишга қийналганида унга ёрдам бердик. Бугун у мактабда инглиз тилидан дарс беради, “Платина” ўқув марказида эса 200 нафардан ортиқ ёшга билим улашмоқда. Бир пайтлар ёрдамга муҳтож бўлган йигит бугун бошқаларга йўл кўрсатаётгани қувонарли.

Низомиддин Бекчановнинг ҳаётида ҳам амалий кўмак муҳим бурилиш ясади. Онасидан айрилган, отаси оғир касал бўлган йигитга автомобилларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини бошлаши учун зарур ускуналар олиб берилишига ёрдам кўрсатилди. Бугун у ўз меҳнати билан даромад топиб, оиласини қўллаб-қувватлаяпти. Тоҳирбек Комилжонов эса замонавий касбларни ўрганиб, Тошкентдаги ўқув марказда фаолият юритмоқда.

Маҳалламизда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, билим ва қобилиятларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. “Мутолаа” лойиҳасида 150 нафар ёш рўйхатдан ўтган, “Қизлар академияси”да 90 нафар қиз бепул таълим олмоқда. “UzChess”лойиҳаси орқали 50 нафар ёш шахмат сирларини ўрганяпти. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасидаги мусобақаларда вакилларимиз эришаётган натижалар уларнинг салоҳияти кенг эканини кўрсатмоқда.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ



Келгусида маҳалламизда ахборот технологиялари, бадиий безак, робототехника ва инглиз тили йўналишларини қамраб оладиган замонавий билимлар марказини ташкил этишни мақсад қилганмиз. Қизлар учун психологик кўмак ва ижтимоий фаоллик мактаби, “Маҳалла китоб уйи”ни очиш режалари ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Мен учун ёшлар етакчисининг энг катта ютуғи — йигит-қизларнинг ишончини қозониш, уларнинг муаммосига бефарқ бўлмаслик ва имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдир. Зеро, маҳалла тараққиёти эртага ўз ҳаётини мустақил қура оладиган ёшлар билан ҳам ўлчанади.



Самарқандда болалар учун таълим ва реабилитацияни бирлаштирган “ИМКОН” МАРКАЗИ ОЧИЛДИ.



Миллий статистика қўмитаси: январь-сентябрь ойларида 16 минг 522 нафар Ўзбекистон фуқаролари ЎҚИШ МАҚСАДИДА ХОРИЖГА САФАР ҚИЛГАН.



Тошкентда йўловчилар шикоятларидан сўнг, барча автобуслардаги РЕКЛАМАЛАР ОВОЗИ ПАСАЙТИРИЛАДИ.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Инсон қадрини улуғлаш, унинг эҳтиёжларини ўз вақтида англаш ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратиш ижтимоий ҳимоя тизимининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Айниқса, кундалик турмушда ўзгалар кўмагига муҳтож инсонлар учун ўз хонадонида меҳр, эътибор ва ғамхўрликни ҳис этишнинг аҳамияти беқиёс.

Қалбларга қадар етиб борган ғамхўрлик

Санжарбек СОДИҚОВ,
Қувасой шаҳридаги “Полмон” маҳалласи ижтимоий ходими.

Вазирлар Маҳкамасининг “Руҳий ҳолати бузилган ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат муассасаларини такомиллаштириш ва янги ижтимоий хизматларни ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳам ижтимоий хизматлар қамровини кенгайтириш, руҳий ҳолати бузилган ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга кўрсатиладиган ёрдам сифатини оширишга қаратилган. Қарор билан “Эрта аралашув” хизматини ташкил этиш тартиби белгиланиб, ногиронлиги бўлган катта ёшдагилар ва болалар учун “Ғамхўрлик” марказлари фаолиятига оид низомлар тасдиқланган. Шунингдек, уй шароитида қараб туриш ва бошқа ижтимоий хизматларни ташкил этиш тизимлари белгилаб берилган.



Бугунги кунда Қувасой шаҳридаги 31 та маҳаллада уй шароитида қараб туриш хизмати орқали 100 га яқин оила қамраб олинган. Бу эса ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг кундалик ҳаётини енгиллаштириш ва эҳтиёжларига мос ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар изчил давом этаётганидан далолат беради.

Жумладан, шаҳарнинг “Полмон” маҳалласида ҳам мазкур хизматга алоҳида эътибор қаратилган. Айни пайтда маҳалладаги тўрт оила уй шароитида қараб туриш хизмати билан қамраб олинган. Бу оилалар учун кўрсатилаётган ёрдам шунчаки кундалик юмушларда кўмаклашиш билан чекланмайди. Уларнинг ҳолатини ўрганиш, эҳтиёжларини аниқлаш, турмушини енгиллаштириш ва ўзларини жамиятнинг эътиборли аъзоси сифатида ҳис этишларига кўмаклашиш ҳам хизматнинг муҳим таркибий қисмидир.

Зеро, ҳар бир инсоннинг ҳаётий шароити ва эҳтиёжи ўзига хос. Шу боис ижтимоий хизматларни ташкил этишда индивидуал ёндашув, самимий муносабат ва инсон шаънини ҳурмат қилиш муҳим аҳамият касб этади. Баъзан ўз вақтида кўрсатилган амалий ёрдам, илиқ муомала ёки самимий суҳбат инсоннинг кўнглига таскин, ҳаётига эса ишонч бағишлайди.

Уй шароитида қараб туриш хизмати ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади. Унинг замирида инсонни фақат моддий ёки маиший жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эмас, балки унинг қадрини эъзозлаш, эҳтиёжларига бефарқ бўлмаслик ва ҳаёт сифатини яхшилаш ғояси мужассам.

Чунки ҳақиқий ижтимоий ҳимоя, бу — фақат ёрдам қўлини чўзиш эмас, балки инсонга ўзини ёлғиз эмаслигини ҳис эттиришдир. Меҳр бор жойда ишонч, эътибор бор жойда умид яшайди. Ҳар бир хонадонда инсон қадри улуғланса, ғамхўрлик кундалик ҳаётнинг бир қисмига айланса, жамиятимиз янада меҳрибон ва мустаҳкам бўлади.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Барча масъулият онанинг зиммасида...(ми?)

Оиладаги муҳит боланинг қалбига илк ҳаётий сабоқларни жо этади. У меҳрни ҳам, ҳурматни ҳам, аввало, ота-онасининг муносабатларидан ўрганади. Шу боис фарзанд тарбияси ҳақида сўз борганда, фақат боланинг хулқ-атворини эмас, балки у улғаяётган муҳитни ҳам таҳлил қилишимиз зарур.

Хайринисо ҲАҚМУРОДОВА,
Зарафшон шаҳридаги “Геолог” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Маҳалла хотин-қизлар фаоли сифатида оилалар билан ишлаш жараёнида ҳар бир хонадоннинг ўз тарихи, ташвиши ва ечимини кутаётган муаммолари бор. Баъзан арзимасдек кўринган келишмовчиликлар вақт ўтиши билан чуқурлашиб, эр-хотин ўртасидаги ишончга путур етказади. Оқибатда эса бунинг таъсири нафақат ота-онага, балки уларнинг фарзандларига ҳам кўчади.

Афсуски, оиладаги муаммолар ҳақида гап кетганда, кўпинча масъулиятнинг катта қисми аёл зиммасига юклатилади. Фарзанд тарбияси, рўзғор ташвишлари, қариндошлар билан муносабат, оилавий келишмовчиликларни бартараф этиш — гўёки буларнинг барчаси фақат онанинг вазифасидек қаралади. Аслида эса оила мустаҳкамлиги эр ва хотиннинг бирдек масъулияти, ўзаро ҳурмати ва ҳамжиҳатлигига боғлиқ.

Оила бошлиғи сифатида эркакнинг зиммасида ҳам муҳим вазифалар бор. Бу фақат оилани моддий таъминлашдан иборат эмас. Турмуш ўртоғини ҳурмат қилиш, унинг фикрини тинглаш, фарзандлар тарбиясида фаол иштирок этиш, муаммоларни босиқлик билан ҳал қилиш ҳам оталик ва эрлик масъулиятининг ажралмас қисмидир. Шу билан бирга, аёлнинг ҳам оиладаги муносабатларни асраш, фарзандлар тарбиясида иштирок этиш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашдаги ўрни беқиёс.

Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган ҳикмат бор. Бу нақлнинг замирида катта ҳаётий ҳақиқат мужассам. Бола ота-онасининг насиҳатларидан кўра, кундалик хатти-ҳаракатларига кўпроқ эътибор беради. У катталарнинг бир-бири билан қандай гаплашиши, келишмовчиликларни қандай ҳал этиши, атрофдагиларга қандай муносабатда бўлишини кузатиб улгаяди.



Агар хонадонда ўзаро ҳурмат, самимийлик ва ҳамжиҳатлик ҳукмрон бўлса, бола ҳам шу қадриятларни ўзлаштиради. Аксинча, доимий жанжал, ҳақорат, камситиш ва бир-бирини айблаш муҳитида ўсган фарзанднинг руҳий хотиржамлигига путур етиши мумкин. Бундай вазиятларда бола ўзини айбдор ҳис қилиши, қўрқувга берилиши ёки тажовузкор хатти-ҳаракатларни намоён этиши эҳтимоли бор.

Шунинг учун фарзанд тарбиясидаги энг муҳим қадамлардан бири — ота-онанинг ўз муносабатларига танқидий назар ташлаши. Боладан одоб талаб қилишдан олдин ўзимиз одобли муомала қиляпмизми? Ундан меҳр кутишдан олдин унга меҳр кўрсата оляпмизми? Унинг фикрини тинглашни ўргатишдан олдин ўзимиз фарзандимизнинг гапига қулоқ тутяпмизми? Бу саволлар ҳар бир ота-онани ўйлантириши керак.


Эр-хотин ўртасидаги муносабатлар оиладаги умумий муҳитни белгилайди. Аёлнинг ҳис-туйғулари, эҳтиёжлари ва фикрларига бефарқ бўлмаслик, унинг меҳнатини қадрлаш ва қўллаб-қувватлаш оиладаги ишончни мустаҳкамлайди. Шунингдек, эркакнинг ҳам меҳнати, масъулияти ва ҳис-туйғулари эътибордан четда қолмаслиги лозим. Мустаҳкам оила бир томоннинг доимий ён бериши ёки иккинчи томоннинг устунлиги билан эмас, балки ўзаро англашув орқали барпо этилади.

Хотин-қизлар фаоли сифатида бизнинг вазифамиз фақат низоли оилаларни яраштириш билан чекланмайди. Энг муҳими, муаммоларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларда соғлом муҳитни шакллантириш ва зарур пайтда инсонларга тўғри йўл кўрсатишдир.

Бунинг учун ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, никоҳнинг мазмун-моҳияти, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фарзанд тарбиясидаги масъулияти ҳақида тушунтириш ишларини кучайтириш лозим. Оилавий низолар юзага келганда эса вазиятни чуқур ўрганиш, ҳар икки томонни тинглаш, заруратга қараб психолог, ҳуқуқшунос ва бошқа мутахассислар кўмагини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир оиланинг муаммосига алоҳида ёндашиш керак. Чунки кимгадир самимий суҳбат ва маслаҳат ёрдам берса, бошқа бир вазиятда малакали психологик ёки ҳуқуқий кўмак талаб этилади. Асосий мақсад — оилани расман сақлаб қолиш эмас, балки ундаги инсонларнинг қадри, ҳуқуқлари ва руҳий осойишталигини таъминлашдир.

Зеро, фарзандларимизга қолдирадиган энг катта меросимиз фақат моддий бойлик эмас. Уларга меҳрли муносабат, ҳалоллик, масъулият ва бир-бирини қадрлаш маданиятини ўргата олсак, келажак авлод учун мустаҳкам маънавий пойдевор яратган бўламиз. Оилани асраш ҳам, фарзандни баркамол тарбиялаш ҳам бир кишининг эмас, бутун оиланинг, маҳалланинг ва жамиятнинг умумий масъулиятидир.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Бола камолоти, унинг соғлом ўсиши ва жамиятда ўз ўрнини топишида таълим-тарбия билан бир қаторда, меҳр ва эътибор ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, алоҳида таълим эҳтиёжларига эга ғўдаклар билан ишлаш педагогдан юксак масъулият, сабр-тоқат ва касбий маҳоратни талаб этади.

МЕҲР БОР ЖОЙДА УМИД ҚАНОТ ЁЗАДИ

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ,
журналист.

Бекобод шаҳридаги 11-кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти жамоаси ана шу эзгу мақсад йўлида самарали фаолият юритмоқда. 140 ўринга мўлжалланган муассасада бугунги кунда 107 нафар тарбияланувчи таълим-тарбия олмоқда. Уларнинг 33 нафари болаликдан ногиронлик нафақасини олади.

Муассасада болаларнинг саломатлиги, ривожланиш хусусиятлари ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларга мос шароитлар яратилган. Хусусан, психик ва нутқий ривожланишида кечикиш кузатиладиган, енгил даражадаги ақлий заифлик бўлган, серебрал фалаж билан касалланган тарбияланувчилар ҳамда мураккаб нуқсонли болалар учун махсус гуруҳлар фаолият юритади. Ташкилот Бекобод шаҳридан ташқари, Бекобод туманидаги алоҳида таълим эҳтиёжларига эга ўғил-қизларга ҳам хизмат кўрсатади.



Муассасада таълим-тарбия жараёни болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар билан уйғун ҳолда олиб борилади. Соғломлаштирувчи машғулотлар, ҳаракатли ўйинлар, даволовчи жисмоний тарбия, психологик қўллаб-қувватлаш ва индивидуал ривожлантирувчи машқлар орқали тарбияланувчиларнинг жисмоний ҳамда руҳий ривожланишига кўмаклашилмоқда.

— Бизнинг энг асосий вазифамиз ҳар бир боланинг имкониятларини очиш, соғлигини мустаҳкамлаш, унга ишонч бериш ва жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашишдир, ***— дейди муассаса директори Гулсара Йўлдошева.*** *— Бу йўлда педагогларимиз меҳр ва масъулият билан фаолият олиб бормоқда. Жамоамиз алоҳида эътиборга муҳтож ўғил-қизларнинг жамиятга мослашуви, билим ва ҳаётий кўникмаларини шакллантириш, шу билан бирга, уларнинг соғлом ривожланишини қўллаб-қувватлашга астойдил ҳаракат қилмоқда.*

Болаларни кейинги таълим босқичига тайёрлаш ҳам муассаса фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. 2025-2026 ўқув йилида тарбияланувчиларидан 27 нафари кейинги таълим босқичига йўналтирилган.

Куну тун меҳнат орқали вақт мазмунли ўтади

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Қарши шаҳрида истиқомат қиладиган Муҳаббат Раҳимова 18 йил давомида миграцияда бўлиб қайтган. Айни вақтда у ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, 16 нафар ишсиз ва Ижтимоий реестрга киритилган хотин-қизни иш билан таъминлаган. Аёлнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бепул жой ажратиб берди, шунингдек, имтиёзли кредит олиш масаласи ҳам ижобий ҳал этилди.

Ғузор туманидаги “Совбоғ” маҳалласида яшовчи Тўти Абдуллаева иссиқхона фаолиятини кенгайтириш ва қулупнай етиштиришни йўлга қўйиш мақсадида 70 миллион сўм имтиёзли кредит ажратишда амалий кўмак сўради. Унинг мурожаатини “еттилик” ходимлари ижобий ҳал этиб берди.

Ғузорнинг “Чашмичли” маҳалласидаги 85 сотих томорқада узумчилик билан шуғулланиб келаётган Мушарраф Чориева хонадонида доим гавжум. Ушбу оила ҳудуддаги ўн нафардан зиёд хотин-қизни мавсумий иш билан таъминлаб келмоқда. Миришкорнинг ҳосилни сотиш учун бозордан жой ажратиш бўйича қилган мурожаати қисқа муддатда ўзининг ижобий ечимини топди.



Қишлоқ аёлларининг шиддати ва ғайрати баланд. Туну кун меҳнат қилиш орқали улар вақтини мазмунли ўтказяпти, шунингдек, оиласининг фаровон турмуш кечиришига муносиб ҳисса қўшяпти.



Сув олиш тартибини бузган юридик шахсларга МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАР ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ белгиланди.



СОЛИҚ ҚЎМИТАСИДА Осиё тараққиёт банкининг маслаҳат миссияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.



Солиқ қўмитаси масъуллари ЯНГИҲАЁТ ТУМАНИДАГИ “ХУШНУД” МАҲАЛЛАСИДА сайёр қабул ўтказди.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

БУ ҲУДУДДА ЖИНОЯТНИ ҲЕЧ КИМ СЕЗМАЙДИ, ДЕГАНЛАР АДАШАДИ



Жорий йил пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги “Боғимайдон” маҳалласи тажрибаси асосида хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича турар жойлар кириш қисмлари кузатув камералари ва қўриқлаш пультлари билан жиҳозланди. Ҳудудга кириб-чиқувчи шахслар ва автотранспорт воситалари замонавий технологиялар асосида назорат қилиб борилмоқда.

Ойбек МАЛЛАБОЕВ,
Андижон шаҳридаги “Баркамол” маҳалласи профилактика инспектори.

Бироқ ҳар бир кўча бошига, аҳоли гавжум жойларга, савдо дўконларига замонавий видеоқурилмалар ўрнатиб, хизмат хонамга интеграция қилганман, барчаси назоратим остида, деб ўтирганимиз йўқ. Чунки шаҳар марказида жойлашган маҳаллага келиб-кетувчилар кўп, ҳар дақиқада кўнгилсизлик ҳолатлари юз бериши мумкин. Шу боис кўча бошилари, нуронийлар, қўриқлаш ва патруль-пост хизмати ходимлари билан ҳамкорликда куну тун ҳудуд хавфсизлиги ва аҳоли осойишталигини таъминлаш чораларини кўряпмиз.

...Одатдаги иш кунларимдан бирида — тунги соат 00:30 лар атрофида кўча бошилари билан маҳалла ҳудудини кўздан кечириб юрганимизда савдо дўкони олдида турган 2-3 кишининг хатти-ҳаракати менда қандайдир шубҳа уйғотди. Улар билан суҳбатлашгач, хавотирим янада ошди. Шу боис уларни маҳалла идорасига олиб келиб, холислар иштирокида чўнтакларини кўздан кечирганимизда тақиқланган психотроп моддалар борлиги аниқланди.

Яна бир куни кўчаларни айланиб юрганимизда кўп қаватли уйга кириб кетаётган номаълум икки фуқаро эътиборимни тортди. Уларнинг ортидан чиқиб бориб билдимки, улар икки кун олдин ижарага олган уйда фоҳишабозлик билан шуғулланишаётган экан. Уларга тегишли чоралар кўриб, уйнинг эгасига ҳам бундан кейин хонадонига қўяётган ҳар бир ижарачи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишини, бу ҳақда профилактика инспекторини ҳам хабардор этишини айтиб, огоҳлантириш бердик.

Одамлар бирор жиноят қилсам, ҳеч ким сезмайди, деб ўйлашади. Лекин биз фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун 24 соат маҳалланинг кўзи, қулоғи бўлиб турамиз. Бу борада “маҳалла еттилиги”, фаоллар, нуронийлар ва кўчабошилари яқиндан кўмак беряпти.

Қолаверса, шу маҳаллада хизмат уйида яшаганим учун ярим тунгача “Кўнгилли ёшлар” гуруҳи аъзолари иштирокида навбатчилик қиламан. Нуронийлар кенгаши раиси Гулнора Йўлдошева бошчилигидаги отахон ва онахонлар эса ёшлар тарбияси, оилавий низоларнинг олдини олиш ва ҳудуд осойишталигини таъминлашда кўмаклашмоқда.

Яна бир янгилик: Президентимизнинг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига янгича ишлаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида кўп йиллик амалий тажрибага эга, пенсиядаги собиқ профилактика инспекторлари “устоз-шогирд” анъанаси асосида маҳалладаги профилактика инспекторларига бириктирилди. Шу тажриба асосида Содиқжон Нишонов менга ўз иш тажрибасини ўргатиб, иш фаолиятимнинг натижадорлигини оширишга ёрдам беряпти. Биргина жиноятчиликни барвақт олдини олиш бўйича ўтказилган тадбирлар давомида 57 нафар фуқарода тиғли буюм борлиги аниқланди. Уйида қиморхона ташкиллаштирган хонадон аниқланиб, тегишли тартибда қонуний чора кўрилди.

Туну кун амалга ошираётган ана шундай чора-тадбирларимиз натижасида 12 та жиноятнинг олдини олиб, “сариқ” тоифадан “яшил” тоифага ўтдик. Устувор вазифамиз – маҳаллада тинчлик, ҳамжиҳатлик ва ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлашдир. Бу йўлда бор билим ва тажрибамизни қўллаймиз.

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТЛАР

Бир умрлик орзу бир парча қоғоз билан қопланадими?

...Йигирма йиллик меҳнат, ижарада ўтган кунлар, орзу қилинган мебеллар, деворга илинадиган оилавий суратлар... Буларнинг барчаси энди унга яқинлашгандек эди. Чунки у янги қурилаётган тураржой мажмуасидан хонадон олишга қарор қилганди. Сотув офисидаги йигит унинг олдига бир нечта чизма қўйди.

Нодир АҲМЕДОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори.

— Мана, ака, сизнинг хонадон. Бу ерда меҳмонхона, бу ерда болалар хонаси. Ошхона ҳам алоҳида. Ҳозир олсангиз, нархи ҳам анча қулай.

— Қурилиш қачон тугайди?

— Ҳаммаси режа бўйича. Хавотир олманг. Бу ерда кўпчилик уй олган. Сиз ҳам кеч қолманг.

Абдулла шартномани ўқиб чиқди. Ҳар бир бандига эътибор берди. Сўнг имзо қўйди. У ўша куни уйига қуруқ қўл билан қайтмади. Қўлида бир қоғоз, қалбида эса бутун бир оиланинг келажаги бор эди.

...Шаҳарнинг бошқа бир чеккасида Зуҳра ая ҳам катта қарор қаршисида турарди. Унинг ҳовлиси эски бўлса-да, ҳар бир бурчаги хотираларга тўла эди. Мана шу ҳовлида турмуш ўртоғи билан дарахт эккан, фарзандларини катта қилган, набираларининг биринчи қадамларини кўрганди. Бироқ унга ҳовлининг ўрнига янги мажмуадан бир нечта хонадон ваъда қилинди. Ҳужжатлар расмийлаштирилди. Аёл ишонди...

...Жасур эса ҳали ёш эди. Турмуш қурганига икки йил бўлган, хотини фарзанд кутаётганди. У кечқурун ишдан қайтиб, кичик ижара хонасининг шифтга қараганча хаёл сурарди.



— Боламиз тугилгунча ўз уйимизга кўчиб ўтсак яхши бўларди, — деди хотини бир куни.

— Албатта, — деди Жасур. — Ҳаммаси яхши бўлади.

У ҳам ўша компанияга борди. У ҳам шартнома тузди. У ҳам ўзини янги уйнинг эгаси, деб тасаввур қилди. Уй олмоқчи бўлганлар бир-бирини танимасди, аммо тақдир уларни бир хил орзу атрофида бирлаштирганди...

Аввалига ҳаммаси яхши кўринди. Кейин эса кутилган хабарлар келмай қўйди.

Абдулла қўнғироқ қилди:

— Қурилиш қачон бошланади?

— Тез орада, ака. Ҳозир айрим масалалар ҳал бўляпти.

Бир ҳафта ўтди. Яна қўнғироқ.

— Ҳужжатлар тайёр бўлдими?

— Озгина сабр қилинг. Ҳаммаси назоратимизда.

Зуҳра ая ҳам ўғлидан сўрай бошлади:

— Болам, ўша янги уйимиздан хабар борми?

Жасур эса хотинига энди “тез орада кўчамиз”, дейишга ҳам уяла бошлади.

Вақт ўтди. Ваъдалар эса такрорланаверди. Одамлар аввал ишонишди. Кейин шубҳаланди. Сўнг бир-бирларини излай бошлашди. Маълум бўлдики, уларнинг дарди бир хил экан. Абдулла, Жасур, Зуҳра ая... Ҳар бирининг қўлида шартнома, қалбида эса жавобсиз саволлар бор эди. Улар энди уй танламаётган, ўз орзуларининг изидан югураётган одамларга айланишганди. Энг оғири шу эдики, улар “уй сотиб олдик”, деб ўйлашган, аслида эса ҳали қурилмаган келажакка ишониб, борини топширишган эди...

Гулчеҳра ҳам янги хонадонлар ҳақидаги ваъдаларга ишонди. Аммо ҳали қурилиши бошланмаган мажмуадаги уйлар унинг тасаввуридагидек тайёр манзилга айланмади. Суд ҳужжатида қайд этилишича, унинг 725 квадрат метрлик ҳовли-жойини топшириб, эвазига ҳали қурилиши бошланмаган “RIVIERA CITY” мажмуасидан хонадонлар олишга келишган. Ажабланарлиси, келишувдаги мулкий қиймат 555 миллион 450 минг сўм, деб кўрсатилган.

...Одамлар бу воқеани фақат ўз уйи битмаётгани учун эмас, йиллар давомида тўпланган маблағи ва мулки тақдири ноаниқ бўлиб қолгани учун ҳам оғир қабул қилишди. Суд ҳужжатида жабрланувчиларга етказилган зарарни ундириш масаласи бўйича юз миллионлаб ва миллиардлаб сўмлик талаблар келтирилган. Жумладан, ҳужжатда айрим жабрланувчилар фойдасига 1 миллиард 601 миллион 730 минг сўм, 1 миллиард 893 миллион 996 минг сўм, 5 миллиард 431 миллион 500 минг сўм ва 3 миллиард 372 миллион 300 минг сўм миқдоридаги маблағлар қайд этилган. Бу рақамлар ортида эса ҳар бири ўз умиди, меҳнати ва оиласи билан яшаган инсонлар турибди.

Охир-оқибат бу воқеаларга ҳуқуқий баҳо берилди. Айрим шахслар қилмишлари учун жавобгарликка тортилди. Жабр кўрганларнинг моддий зарарларини қоплаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Аммо қоғоздаги қарорлар билан инсоннинг қалбидаги оғриқ бир кунда йўқолмайди. Зуҳра аяга ҳовлисини қайтариб беришнинг иложи йўқ эди. Унинг эри экиб кетган тут дарахти энди бошқа бировнинг ҳовлисида ўсарди. Абдулла учун ҳаммаси бир зумда ўзгармади. У ҳали ҳам меҳнат қилиши, фарзандларини боқиши, уй олиш орзусини қайтадан бошлаши керак эди. Жасур эса ўғлининг биринчи қадамларини ҳали ҳам ижара уйида кузатди...

Хулоса шуки, хонадон харид қилишда унинг ҳужжатлари қонунийлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг тўловларни амалга оширишга чақириб қоламиз.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

“ИНТИЛИШИ, ИШТИЁҚИ БОР ОДАМГА ЕЛКАДОШМИЗ”

Маҳаллада тадбиркорлар билан ишлашда уларнинг муаммоларини аниқлаш ва фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашишга интиламиз. Чунки баъзан тадбиркорда иштиёқ ҳам, меҳнат ҳам бор, аммо ишини кенгайтириш учун маблағ ёки шароит етишмайди. Шундай пайтда унга елкадош бўлиш муҳим.

Зафаржон МУҲАММАДИЕВ,
Ховос туманидаги “Оқчангал”, “Шарқобод”, “Янгиер” ва Фарҳод номидаги маҳаллалар солиқ инспектори.

“Оқчангал” маҳалласида яшовчи Олим ака ҳам ўз хонадонида паррандачиликни йўлга қўйган. У ҳозирда 500 бош товуқ парваришлаб, оиласи учун даромад манбаи яратишга интилмоқда. Бироқ фаолият уй шароитида ташкил этилгани боис паррандаларни сақлаш имкониятлари чекланган. Айниқса, совуқ мавсумда бу масала янада долзарблашади.

Солиқ инспектори сифатида Олим аканинг вазияти билан танишгач, масалага бефарқ қараб тура олмадик. Ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда тадбиркорнинг муаммосини ўрганиб, кредит олиш жараёнида дуч келаётган масалаларини ҳал этишга киришдик. Қолаверса, ҳудудда фаолият юритаётган тажрибали тадбиркорлар билан у кишининг ҳамкорлигини ўрнатдик. Шу орқали фуқарога паррандачилик шароитини яхшилаш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишда амалий кўмак кўрсатдик.

Олим ака сингари тадбиркорларга кўмаклашиш — кундалик фаолиятимизнинг бир қисми, холос. Ҳар куни маҳалладаги якка тартибдаги тадбиркорлар, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар, мол-мулк ва ер солиғи тўловчилари билан мулоқотда бўламиз, уларнинг саволларига жавоб берамиз, солиқларни ўз вақтида тўлаш бўйича тушунтириш ишларини олиб борамиз.

Яқинда солиқларни тўлашнинг иккинчи муддати ҳам якунланди. Айрим фуқаролар турли сабабларга кўра тўловни кечиктирган. Бундай ҳолатларга фақат талаб нуқтаи назаридан эмас, инсонларнинг шароитини ҳам инобатга олган ҳолда ёндашиш керак, деб ҳисоблайман. Аввало, тўлов муддатларини эслатиб, тушунтириш берамиз, имкони борича масалани ўз вақтида ҳал этишга кўмаклашамиз. Чунки тадбиркорнинг иши юришиб, фуқаронинг даромади барқарор бўлса, солиқларни ўз вақтида тўлаш имконияти ҳам ортади.

Шу боис биз учун тадбиркорни қўллаб-қувватлаш ва солиқ тушумларининг ўз вақтида таъминланиши бир-бири билан чамбарчас боғлиқ вазифалардир.



ИМКОНИЯТ МАНЗИЛИ

Бандликда ягона қолиплар эмас, эҳтиёжга мос ечимлар муҳимроқ

Бугун ёшлар бандлигини таъминлашда уларни шунчаки ишга жойлаштириш билан чекланиб бўлмайди. Ҳар бир йигит-қизнинг қизиқиши, қобилияти ва имкониятига мос йўналишни топиш, касб ўрганишига кўмаклашиш ва меҳнат бозорига кириб бориши учун шароит яратиш муҳим. Бу борада солиқ инспекторлари “Солиқчи — кўмакчи” тамойили асосида ёшлар етакчилари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.



Иззатбек МАТЁҚУБОВ,
Хива тумани солиқ инспекцияси бошлиғи.

Хоразм вилоятидаги ишлар мисолида бу ёндашувнинг амалий аҳамиятини кўриш мумкин. Хатлов натижасида вилоятда 49 минг 20 нафар битирувчи ҳисобга олинган, 13 минг 540 нафар ишсиз ёш аниқланган. Жумладан, Хива туманида рўйхатга олинган 1 минг 230 нафар ишсиз ёшнинг 999 нафари билан манзилли иш олиб борилди. Жараёнда, аввало, ёшларнинг қизиқиши, қандай қобилиятга эгалиги ва у бандлигига нима тўсқинлик қилаётгани аниқланди.

Масалан, “Сангар” маҳалласида яшовчи Оллашукур Эгамберганов билан суҳбатлар давомида унинг асосий эҳтиёжи барқарор даромад келтирадиган касбни эгаллаш экани маълум бўлди. Шу асосда унга “устоз-шогирд” анъанаси орқали сартарошлик ҳунарини ўрганишига кўмаклашилди.

Яна бир йигит — Жамшидбек Одамов учун эса меҳнат фаолиятини бошлаш имкониятини яратиш муҳим эди. Мактабни битирган бўлса-да, у ҳали иш топишга улгурмаганди. Ўрганишлар натижасида унинг имкониятлари баҳоланиб, ўзи яшайдиган маҳалладаги озиқ-овқат дўконига сотувчи ёрдамчиси сифатида ишга жойлаштирилди.

Тозабоғлик Фарангиз Ботирова мисолида ҳам манзилли ёндашувнинг аҳамияти яққол намоён бўлади. Унинг қизиқиши тикувчиликка яқинлиги аниқлангач, туманда тажрибали тикувчи сифатида танилган Муҳайё Худойберганова билан боғландик. Ҳозир Фарангиз устозидан ҳунар сирларини ўрганиш билан бирга, ёлланма ишчи сифатида меҳнат фаолиятини ҳам бошлаган.

Бу учта мисолнинг ҳар бири алоҳида ечимни талаб қилди: бир ёшга касб ўрганиш, бошқасига биринчи иш ўрни, яна бирига эса устоз ва меҳнат фаолиятини бирлаштириш имконияти керак бўлди. Демак, ёшлар бандлигида ягона қолипдаги ёндашувдан кўра, ҳар бир инсоннинг эҳтиёжига мос ечим муҳимроқ.

Бундай натижаларга эришишда маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ҳудудда қайси соҳа ривожланаётгани, қаерда ишчи кучига эҳтиёж борлиги ва қандай касбларга талаб юқорилигини биладиган тадбиркорлар ёшлар учун янги имкониятлар яратиши мумкин. Солиқ инспекторлари эса ёшлар, иш берувчилар ва маҳалладаги масъуллар ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишга кўмаклашади.



ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ “ХОНТЕПА” МАҲАЛЛАСИДА қурувчилар учун ерлар илк бор тайёр пакет шаклида ауционга чиқарилди.



Сурхондарё маҳаллаларида ШАҲАРСОЗЛИК ТАҲЛИЛИ ВА ЕР БАНКИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ бўйича семинар ўтказилди.



Сирдарё вилоятидаги 221 ТА МАҲАЛЛАДА ХАВФСИЗ МУҲИТ ЯРАТИШ бўйича амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинди.

ФИКР

Инсон дунёга келар экан, яшаши учун овқат истеъмол қилиши лозим. Зеро, таом танага қувват беради. Аммо бугун бир савол устида жиддийроқ ўйлаб кўришимиз керак: биз овқатланиш учун яшаяпмизми ёки яшаш учун овқатланяпмизми?

Қорнимиз тўқ, аммо тафаккуримиз-чи?

Нигора ҲАКИМЖОНОВА,
журналист.

Афсуски, бугун айрим давраларда суҳбатнинг мазмунидан кўра, дастурхоннинг кўрки, учрашувнинг мақсадидан кўра, таомларнинг хилма-хиллиги муҳимроқ бўлиб боряпти. Ҳатто оддий байрам ва тантанани ҳам содда, камтарона дастурхон атрофида ўтказишга ор қиламиз. Ҳашаматли ресторанлар, дабдабали зиёфатлар билан бир-биримиздан ўзишга уринамиз. Гўё сарфланган маблағ қанча кўп бўлса, ҳурмат ва эътибор ҳам шунча ортадигандек.

Бу билан тадбиркорларни ёки ресторанларда овқатланадиган инсонларни танқид қилиш фикридан йироқмиз. Гап танловимиз, қадриятларимиз ва эҳтиёжларимиз ҳақида.

Миллий статистика қўмитаси маълумотига кўра, 2026 йил январь-август ойларида Ўзбекистондаги умумий овқатланиш корхоналари товар айланмаси 208,7 триллион сўмга етган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳақиқий ҳисобда 26,7 фоиз ўсиш демакдир. Мамлакатимизда 30 мингдан ортиқ умумий овқатланиш корхонаси фаолият юритмоқда.



Асл муаммо ресторанларнинг кўплигида эмас. Агар одамлар қимматбаҳо зиёфат учун минглаб маблағ сарфлашга тайёру, фарзандига китоб олиб беришда иккиланаётган бўлса, тантанани дабдабасиз ўтказишни камчилик, деб билиб, маърифатдан узоқлашишни оддий ҳол деб қабул қилса, демак, биз шунчаки истеъмол одатлари ҳақида эмас, қадриятларимиздаги номутаносиблик ҳақида гапиришимиз керак.

Рақамларнинг ўзиёқ кўп нарсани англатади. Айрим кўчаларда бирин-кетин ўнлаб ресторанларни учратамиз. Уларнинг кўпи гавжум, баъзилари кечаю кундуз хизмат кўрсатади. Кўчага чиқсангиз, қорин тўйдириш учун жой топиш муаммо эмас. **Хўш, маънавиятимизни бойитадиган, тафаккуримизни ўстирадиган, китобхонликни ривожлантирадиган масканлар ҳам шунчалик кўпми? Китоб дўконлари, илмий-маърифий марказлар, ижодий маконлар ҳам овқатланиш шохобчаларидек талабгир бўла оляптими?**

Бу саволлар устида ўйлашимиз керак. Албатта, тадбиркор талаб бор жойда имконият кўради. Ресторанларнинг кўплиги ҳам жамиятдаги эҳтиёжнинг бир ифодаси. Демак, масаланинг бир учи ўзимизга бориб тақалади: **нимага кўпроқ пул сарфлаяпмиз, нимани кўпроқ қадрлаяпмиз, нимага вақт ажратяпмиз?** Агар китобга, илмга, санъатга ва маърифатга талаб ошса, бу соҳаларга хизмат қиладиган масканлар ҳам кўпаяди.

Яна бир жиҳат — саломатлик. Шифокорлар меъёридан ортиқ овқатланиш, носоғлом таомлар ва камҳаракатлилик турмуш тарзига зарар эканини айтади. Ислом таълимотида ҳам меъёр муҳим. **Расулуллоҳ (с.а.в.) инсон тўлдирадиган энг ёмон идиш қорин эканини, ейиш зарур бўлса, қориннинг учдан бирини таомга, учдан бирини ичимликка, учдан бирини нафасга ажратиш лозимлигини билдирганлар** *(Имом Термизий ривояти).*

Талаб бор жойда таклиф бўлади. Демак, маърифатли муҳитни яратиш фақат давлат зиммасидаги вазифа эмас. Бунда ҳар бир оиланинг, ҳар бир ота-онанинг, ҳар биримизнинг ҳиссамиз бор. Китоб харид қилишни, фарзандни кутубхонага олиб боришни, мазмунли суҳбатлар ташкил этишни, байрамларни исрофсиз ва самимий ўтказишни одатга айлантирсак, бозор ҳам, жамият ҳам бу эҳтиёжга мослаша бошлайди.

Бир кун келиб фарзандларимиз биздан қанча бойлик тўплаганимизни эмас, уларга қандай дунёқараш, қандай қадрият ва қандай жамият қолдирганимизни сўрайди. Ўшанда жавобимиз фақат тўкин дастурхонлар билан чекланиб қолмасин.

МУЛОҲАЗА

КУЁВНАВКАРЛИК, АСЛИДА, БУ — ҚАДРИЯТ, МУТЛАҚО “ХУРМАЧА” ҚИЛИҚЛАР НАМОЙИШИ ЭМАС...

Бугун тўйларда куёвнавкарликнинг ҳам ўз бозори пайдо бўлди. Ҳа, тўғри ўқидингиз! Ижтимоий тармоқлар ва эълонлар тахтасида “Хизматда куёвнавкарлар — нархи 50 минг сўмдан” деган таклифларга кўз тушиши одатий ҳолга айланди. Гўёки дўстлик ҳам хизмат турига, қадрдонлик эса келишилган ҳаққа айлангандек.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Кечагина инсоннинг обрўси дўстлари, эл орасидаги ҳурмати, одамийлиги билан ўлчанган бўлса, бугун айримлар тўйдаги навкарлар сони билан ўз мавқеини намойиш этишга уринмоқда. Энг ачинарлиси, бунда миллий анъананинг ташқи кўриниши сақланаётгандек туюлса-да, унинг замиридаги маъно ва қадриятлар пулга алмаштирилмоқда.

Аслида, куёвнавкар ким? Унинг куёв ёнида туришида қандай мақсад бор? Халқимизнинг тўй анъаналарида куёвнавкар — куёвнинг шунчаки ҳамроҳи ёки тўй карвонини тўлдирувчи одам эмас. У — куёвнинг қадрдон дўстлари, ишонган ёрлари, бирга улғайган, қувончини ҳам, ташвишини ҳам баҳам кўрган тенгқурлари. Навкарликнинг моҳияти ҳам шунда: дўстининг энг қувончли кунида унинг ёнида бўлиш, тўй ташвишларида кўмаклашиш, маросим тартибига риоя қилиш, куёвга ҳамроҳлик қилиш ва бу муҳим кунда унинг қувончига шерик бўлиш. Бу мақом пул билан сотиб олинмайди, эълон орқали буюртма қилинмайди.

Хўш, нега бугун ана шу қадриятнинг моҳияти шунчалик жўнлашиб бормоқда? Бунинг замирида тўйни қувонч ва меҳр-оқибат айёми сифатида ўтказишдан кўра, уни бошқаларга ўзини намойиш қилиш майдонига айлантириш кайфияти ётмайдими? “Фалончининг навкарлари шунча экан”, “Тўйи зўр ўтди”, “Дўстлари кўп экан”, деган гаплардан обрў излаш, аслида эса мавжуд бўлмаган яқинликни пул эвазига саҳналаштириш — сохта дабдабабозликнинг бир кўриниши. Бунда одамлар сони кўпаяди, аммо самимият камаяди; тўйнинг ташқи кўриниши ҳашаматлилашади, аммо унинг маънавий мазмуни саёзлашади. Дўстликни намойиш қилишга айлантирган киши унинг масъулиятини унутади.

Куёвнавкарларнинг яна бир одати — пойандоз талашиш ҳам асл мазмунидан узоқлашиб бормоқда. Илгари куёв қизнинг хонадонига кираётганда ёки келин олиб келинаётганда оёқ остига солинган оқ матодан бир парча олиш “шундай тўйлар бизга ҳам юқсин, бўйдоқларга ҳам насиб этсин”, деган эзгу ният билан боғлиқ бўлган. Яъни бу одатда ҳавас, яхши ният ва келажакдаги бахтга умид мужассам эди.

Бугун эса айрим давраларда шу ният ўрнини ҳаддан ошган талаш-тортиш эгалламоқда. Пойандоз учун бир-бирини итариш, устма-уст йиқилиш, кийимларни йиртиш, ҳатто ариққа ағнаб тушса ҳам матони қўйиб юбормаслик — ижтимоий тармоқларда кулгига сабаб бўлаётган лавҳалар, аслида, жиддийроқ мулоҳазага ундаши керак. Бир парча матога ҳавас қилиш бошқа, уни деб ўз қадрини ҳам, дўстининг қадрини ҳам унутиш бошқа. Ахир, яхши ният билан боғлиқ урф-одат қандай қилиб ўзини назорат қила олмаслик мусобақасига айланиб қолиши мумкин? Анъананинг қадри уни қай даражада шовқин-сурон билан бажаришдами?

Аслида, куёвнавкарлик миллий урф-одатларимизнинг бир қисми бўлиб, унинг ўзида бирор ёмонлик йўқ. Диний уламолар таъкидлаганидек, маросим давомида шариатга зид ишларга йўл қўйилмаса, исрофгарчилик қилинмаса, келин томоннинг зиммасига ортиқча моддий ёки маънавий юк юкланмаса, куёвнавкарликни оддий миллий анъана сифатида ўтказиш жоиз. Демак, масала уни қандай ният ва мезонлар асосида бажаришда. Анъана баҳонасида дабдабабозлик, манманлик ва тартибсизликка берилиш унинг асл моҳиятига путур етказади.



Энг катта муаммо — келиннинг уйини томоша майдонига айлантириш. Айрим давраларда куёвжўраларнинг “ҳазили” деган баҳонада уй эгаларининг буюмларини яшириш, рухсатсиз олиб чиқиш, дастурхондан егуликларни ўраб кетиш ёки кўзига тушган нарсани “бизники”, деб олиш ҳолатлари учрайди. Гўёки куёвжўра келиннинг уйидан бирор буюм олиб чиқса, бу унинг маросимдаги “ўз улуши” эмиш.

Хўш, бировнинг хонадонига меҳмон бўлиб кириб, унинг мулкини рухсатсиз олиб чиқиш қайси миллий қадриятга асосланади? Агар буюм эгаси уни совға қилса, бу бошқа масала. Аммо “урф экан”, “ҳазил-ку”, деган важ билан бировнинг нарсасини олиб кетишни оқлаб бўлмайди. Мулкка ҳурмат ҳам тарбиянинг бир қисми.

Яна бир ҳолат: куёвжўралар келиннинг янгалари ёки қариндошлари билан пойабзал яшириш, пул талаб қилиш, йўл тўсиш каби рамзий ҳазилларга киришади. Агар бу икки тарафнинг розилиги ва ўзаро ҳурмати доирасида бўлса, маросимнинг кўнгилочар қисми бўлиши мумкин. Аммо талаб мажбурлашга, ҳазил ҳақоратга, ўйин эса жанжалга айланса, унинг миллийликка алоқаси қолмайди.

Кўчадаги “томошалар” эса янада жиддий. Ўтган йили Андижонда тўй карвонида бир гуруҳ йигитлар автомобиллардан таналарини чиқариб ҳаракатлангани акс этган видео тарқалган. Шу йил сентябрь ойида Фарғона вилоятида эса йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, бошқа транспорт воситаларига халақит берган 16 нафар йигитнинг ҳар бири 15 суткага маъмурий қамоққа олинган. Булар шунчаки тартибсизлик эмас. Йўлни тўсиш, баланд овозда сигнал бериш, машиналар орасида хавфли ҳаракатлар қилиш, бошқа ҳайдовчиларнинг йўлини тўсиш натижасида бахтсиз ҳодиса юз бериши мумкин. Бир кунлик тўй томошаси, деб бир умрлик пушаймонга қолишга арзийдими?

Буларга чора сифатида бизда аллақачон ҳуқуқий тартиб-қоидалар белгиланган. 2019 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Олий Мажлис Сенатининг қўшма қарори билан қабул қилинган “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Низомда ортиқча харажат ва вақт талаб қиладиган, миллий анъаналарга ёт, деб баҳоланган айрим маросимлар қаторида куёвнавкар ҳам санаб ўтилган. Бироқ ҳали-ҳануз бу маросимларнинг мазмуни, меъёри ва жамиятга таъсири анчадан бери баҳсларни юзага келтириб келмоқда.

Албатта, бу танқид барча куёвжўраларга тегишли эмас. Дўстини қўллаб-қувватлаб, маросимда одоб билан иштирок этаётган йигитлар кўп. Гап анъананинг ўзида эмас, унинг ниқоби остидаги беандишаликда. Ечим борми? Бор. **Биринчидан**, тўй эгалари ва куёвнинг яқинлари маросимдан олдин куёвжўраларга одоб-ахлоқ ва хавфсизлик қоидаларини тушунтириши, рухсатсиз буюм олиш, уй жиҳозларига зарар етказиш ва одамларнинг шаънига тегадиган ҳазилларга қатъий йўл қўймаслиги керак. **Иккинчидан**, маҳалла фаоллари, ота-оналар ва хизмат ташкилотлари тўйларнинг миллий қадриятларга мос, хавфсиз ва меъёрли ўтишига эътибор қаратиши лозим.

Зеро, миллийлик — дўппи кийиш ёки пойандоз талашишнинг ўзи эмас. Миллийлик — андиша, меҳмонга ҳурмат, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик ва ўзини тута билишдир. Куёвнавкарлик ҳам ана шу фазилатларни намоён этса, қадрият бўлиб қолади. Акс ҳолда, у фақат шовқин-сурон ва уятли видеолар манбаига айланади. Тўйда йигитнинг кимлиги унинг қанча шовқин қилгани билан эмас, қандай одоб кўрсатгани билан ўлчаниши керак.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА...

Шуурга чорловчи учликлар

Шеъриятнинг қудрати инсон қалбини ўртаган туйғуларда...

Баъзи китобларни ўқиб тугатасиз, баъзилари эса сиз билан бирга яшашда давом этади. Уларнинг саҳифалари ёпилса-да, сатрлари онгингизда айланаверади, ўзингизга, ҳаётга, инсонларга бошқача нигоҳ билан қарашга ундайди. Таниқли шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Фарида Афрўзнинг яқинда тақдимоти бўлиб ўтган “Шуур” китоби ана шундай мушоҳадага чорловчи асарлардан.

Унда шоиранинг кечинмалари, хаёллари ва ҳаётий-фалсафий қарашлари уч мисрали кичик шеърлар орқали ифодаланган. Ихчам шакл, теран мазмун ва рамзларга бой ифода асарнинг ўзига хослигини белгилайди.

Китобнинг номи ҳам бежиз танланмаган. Шуур — англаш, идрок этиш, воқеликнинг моҳиятига етиб бориш демакдир. Инсон баъзан кўп гапиради, кўп эшитади, аммо кам ўйлайди. Шоира эса бир неча сатрда китобхонни тўхташга, ўзига савол беришга ва ҳаётга теранроқ назар ташлашга ундайди.

Китобдаги эътиборли мисралардан бири:

“Бўрон ҳам гўзал,
Тўфон ҳам...
Аллоҳнинг не иши гўзал эмас”.

Бу сатрларда табиат ҳодисалари орқали ҳаётнинг мураккаблиги ва илоҳий яратиқнинг ҳикматига ишора бор. Бўрон ва тўфон одатда вайронагарчилик, хавф ва изтиробни эслатади. Бироқ шоира уларга ҳам бошқача нигоҳ билан қарайди. Бу ҳаётдаги ҳар бир воқеани бир томонлама баҳоламаслик, бизга оғир туюлган синовлар ортида ҳам англанмаган маъно бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлашга ундайди.

Фарида Афрўз шеъриятининг муҳим хусусиятларидан бири — инсон руҳиятининг нозик қатламларини очишидир. Унинг ижодида муҳаббат, вафо, соғинч, изтироб, умид, тақдир ва инсоннинг ўзи билан кечадиган ички суҳбати муҳим ўрин тутади. “Шуур”даги учликлар ҳам китобхонни тайёр хулосаларга эмас, мустақил мушоҳадага етаклайди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Сарвар УЧҚУНОВ. Навоий вилояти:

— Мен хусусий корхона раҳбариман. Корхонада электр энергиясидан фойдаланиш жараёнида айрим ҳолатларда энергиянинг беҳуда сарфланишига йўл қўйилган. Қонунчиликка мувофиқ, мансабдор шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор электр энергиясини беҳуда сарфлаши қандай жавобгарликка сабаб бўлади?

Электр токи беҳуда сарфланса...

Баҳодир ШОМУРОДОВ,
“Ўзэнергоинспекция” Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

— Қонунчиликка мувофиқ, мансабдор шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорларнинг электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Бунинг учун базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 10 бараваридан 20 бараваригача, яъни 4 миллион 400 минг сўмдан 8 миллион 800 минг сўмгача жарима белгиланган.

Агар худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида яна содир этилса, жарима миқдори ошади. Бунда ҳуқуқбузарга БҲМнинг 20 бараваридан 35 бараваригача, яъни 8 миллион 800 минг сўмдан 15 миллион 400 минг сўмгача жарима солиниши мумкин.



Тошкентдан энг замонавий УТТ, ЭКГ, рақамли флюорография ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган “САЛОМАТЛИК” ПОЕЗДИ йўлга чиқди.



Оила ва хотин-қизлар қўмитаси бир гуруҳ фидойи хотин-қизларни “МЎЪТАБАР АЁЛ” КЎКРАК НИШОНИ билан тақдирлади.



Тошкентда Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг оила, ижтимоий ҳимоя муассасалари ҳамкорлигида “БОЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА” мавзусида Халқаро форум ўтказилди.

Mahalla

№86

2026 ЙИЛ
24 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

Асосий масала — биз куйлаётган сўзлар нимани англатишини биламизми, улардаги ҳиссиёт ва ғояни англашга ҳаракат қиламизми?

СЎЗЛАРДА МАЪНО БОР, МАЪНОДА ФИКРАТ...

“Маслаҳатли ош тарқамас...”

Халқ мақоллари — миллатнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, кузатувлари ва хулосаларининг қисқа, аммо теран ифодасидир. Улар ортига бутун бир ҳаёт фалсафаси яширинган. “Маслаҳатли ош тарқамас” ибораси ҳам ана шундай маъноли халқона ҳикматлардан бири сифатида инсонларни ҳамжиҳатликка, ўзаро фикрлашишга ва ишни кенгашиб бошлашга ундайди.

Гулчеҳра УМИРОВА,
Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Ўзбек халқининг турмуш тарзида ош шунчаки таом эмас. У меҳр-оқибат, қўни-қўшничилик, қариндошлик ва ҳамжиҳатлик рамзи. Одамлар бир дастурхон атрофида жам бўлганида нафақат таом улашади, балки дардлашади, маслаҳатлашади, бир-бирининг ҳолидан хабар олади. Шу маънода, **“ош”** тушунчаси халқимизнинг жамоавий ҳаёти ва маънавий қадриятлари билан чамбарчас боғлиқ.

Ибордаги **“маслаҳатли”** сўзи эса муҳим бир ҳақиқатга ишора қилади. Ҳар қандай ишни биргаликда ўйлаб, фикр алмашиб амалга ошириш унинг муваффақиятига замин яратади. Зеро, бир кишининг фикри чекланган бўлиши мумкин, аммо бир неча инсоннинг тажрибаси, қараши ва таклифи бирлашса, муаммонинг ечими осонроқ топилади. Маслаҳат — бошқаларнинг фикрини тинглаш, ўз қарашини қайта кўриб чиқиш ва умумий манфаатни шахсий хоҳишдан устун қўйишдир.

Бугун бу ҳикматнинг аҳамияти янада долзарб. Оиладаги келишмовчиликлар, маҳалладаги муаммолар ёки жамоадаги тушунмовчиликлар кўпинча ўзаро мулоқот етишмаслигидан келиб чиқади. Агар одамлар бир-бирини тинглашга, шошма-шошарлик билан хулоса чиқармасликка ва муҳим қарорларни маслаҳат билан қабул қилишга одатланса, кўплаб низоларнинг олди олиниши мумкин.



“Маслаҳатли ош тарқамас” иборасига шу нуқтаи назардан қарасак, унинг мазмуни фақат бир дастурхон атрофида тўпланиш билан чекланмайди. У одамларни ягона мақсад йўлида бирлашишга, ишни келишиб бошлашга ва натижа учун бирдек масъулият ҳис этишга чорлайди. Чунки маслаҳат билан бошланган ишда ҳар кимнинг фикри инобатга олинади, қарор эса умумий тушунча ва ишончга таянади.

Халқ ҳикматларининг умри узоқ бўлишининг сабаби ҳам шунда: улар муайян даврга эмас, инсон табиатига хос ҳақиқатларга асосланади. Замон ўзгаради, турмуш тарзи янгиланади, аммо ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва маслаҳатга эҳтиёж йўқолмайди. **Маслаҳат бор жойда келишувга, келишув бор жойда ҳамжиҳатликка йўл очилади. Ҳамжиҳатлик эса ҳар қандай жамиятнинг мустаҳкам таянчидир.**

ТАҲЛИЛ

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси маълумотига кўра, жорий йилнинг январь-август ойларида лаборатория экспертизасидан ўтказилган 558 номдаги маҳсулотнинг 73 таси норматив-техник талабларга мос келмаган. Бу текширилган товарларнинг қарийб 13,1 фоизини ташкил этади. Яъни лабораторияда синовдан ўтган ҳар саккизта маҳсулотдан биттасига яқини белгиланган мезонлардан ўта олмаган.

РАСТАДАГИ СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТНИНГ ЖАБРИНИ ХАРИДОР ЧЕКАДИМИ?..

Албатта, ушбу натижаларни бутун республика бозоридаги товарлар сифатига тўғридан-тўғри татбиқ этиб бўлмайди. Чунки текширув учун танлаб олинган намуналар умумий бозорнинг қанчалик қисмини қамраб олгани ҳақида маълумот келтирилмаган. Бироқ аниқланган номутаносибликнинг ўзиёқ жиддий эътиборни талаб қилади. Зеро, гап шунчаки стандартга мос келмаган маҳсулотлар ҳақида эмас, балки одамлар ҳар куни фойдаланадиган товарлар ва уларга бўлган ишонч хусусида кетмоқда.

— Қўмита чакана савдо нуқталарида сотилаётган халқ истеъмол товарларининг сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида назорат хариди тадбирларини мунтазам ўтказиб келади, ***— дейди Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси матбуот котиби Отабек Усмонов.*** *— Юқоридаги ҳолатлар бўйича мазкур маҳсулотларни савдо расталаридан қайтариб олиш ҳамда қонунчиликка мувофиқ чора кўриш учун тегишли материаллар Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасига юборилди. Бундай назорат хариди тадбирлари давом эттирилади.*

Сифат учун ким жавоб беради?

Товарнинг белгиланган мезонларга мос келмаслиги учун масъулиятни фақат уни сотган дўкон зиммасига юклаш тўғри эмас. Бу жараёнда ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи, импорт қилувчи ва сотувчи ўртасидаги жавобгарлик аниқ белгиланиши лозим. Агар ишлаб чиқарувчи технологик талабларга риоя қилмаса, етказиб берувчи юкни лозим даражада текширмаса, сотувчи эса сақлаш қоидаларини бузса, оқибатда зарарни истеъмолчи кўриши мумкин.

Бундан ташқари, талабларга жавоб бермайдиган товарлар савдо тармоғига қандай кириб келаётгани ҳам алоҳида таҳлилни талаб этади. Назорат фақат расталарда эмас, балки ишлаб чиқариш, сақлаш ва етказиб бериш босқичларида ҳам самарали ташкил этилса, хавфни эртароқ аниқлаш имконияти ошади.

Айниқса, бир ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчининг маҳсулотларида камчиликлар қайта-қайта аниқланса, бундай ҳолатлар алоҳида эътиборга олиниши керак.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

Харидор ҳуқуқи қоғозда қолмасин

Истеъмолчи харид пайтида товарнинг таркибини лабораторияда текшириш имконига эга эмас. У давлат стандартлари, ишлаб чиқарувчи маълумотлари ва назорат тизимига ишонади. Шу маънода, маҳсулотлар устидан назорат — харидорнинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш вазифаси эмас, балки давлат идоралари ва бозор иштирокчиларининг биргаликдаги масъулиятидир.

Албатта, харидор ҳам яроқлилик муддати, қадоқнинг бутунлиги, ишлаб чиқарувчи ҳақидаги маълумотлар ва сақлаш шартларига эътибор қаратиши лозим. Аммо бу талаблар назорат идоралари ва тадбиркорларнинг мажбуриятларини камайтирмайди. Истеъмолчидан ҳар бир товарнинг хавфсизлигини мустақил аниқлашни кутиш адолатдан эмас.

Шу боис назорат харидлари натижаларини мунтазам эълон қилиш, меъёрларга жавоб бермаган маҳсулотлар ва уларнинг ишлаб чиқарувчилари ҳақида қонунчилик доирасида жамоатчиликни хабардор этиш, кўрилган чоралар ижросини кузатиб бориш муҳим. Шунингдек, фуқароларнинг шикоятларини тезкор кўриб чиқиш ва уларга етказилган зарарни қоплаш тизими амалда самарали ишлаши зарур.



Рақамлар ортидаги масъулият

Сифатсиз товар савдодан олиб қўйилгани билан муаммо ҳар доим ҳам тугамайди. Агар унинг бозорга кириб келиш сабаблари бартараф этилмаса, бугунги камчилик эртага бошқа маҳсулот ёки савдо нуқтасида такрорланиши мумкин.

Шундай экан, ҳали қуйидаги саволларга жавоб изланиши зарур: лаборатория текширувларида аниқланган камчиликлар келгусида такрорланмаслиги учун қандай тизимли ўзгаришлар керак? Маҳсулотлар сифати бўйича жамоатчиликка тақдим этилаётган маълумотлар истеъмолчиларнинг онгли танлов қилиши учун етарлими? Назорат натижаларининг самарадорлигини баҳолашда текширувлар сонидан ташқари яна қандай мезонларга таяниш лозим? Энг муҳими, бозорда истеъмолчи ишончи устувор қадриятга айланиши учун бугунги имкониятлардан қай даражада самарали фойдаланяпмиз?

Зеро, истеъмолчилар хавфсизлигини таъминлашда энг муҳим натижа — қанча сифатсиз маҳсулот аниқлангани эмас, балки бозорга бундай маҳсулотларнинг кириб келиш эҳтимоли қай даражада камайганидир. Бозорда сифат талабга, хавфсизлик эса савдонинг ўзгармас қоидасига айлангандагина истеъмолчи манфаати қоғоздаги талабдан кундалик ҳаёт меъёрига айланади.

МУШОҲАДА

“ТЎЙЛАР МУБОРАК” МАТНИНИ МАШРАБ ЁЗГАНМИ?

Тўйлар муборак, эй ёри жоним,
Тўёна бўлсин тан бирла жоним.
Ишқинг ўтига куйголи келдим,
Ойдек юзингни кўрголи келдим.

Савдои зулфинг тушди бошимга,
Сендин саволим сўрголи келдим.
Баҳрингга кирдим гаввос бўлай деб,
Бир дурри мақсуд олголи келдим.

Шамъи жамолинг парвона қилди,
Ўтга ўзимни урголи келдим.
Пардани очгил, эй гулрухсорим,
Рози дилимни очголи келдим.

Эй тўраи ҳусн, банданг бўлойин,
Эшигингга қул бўлголи келдим.
Машрабга тегди косаи даврон,
Беш кун жаҳондин кечголи келдим.

Бу — барчамиз ҳар куни тўйларда эшитиб юрган, кўникиб кетган “Тўйлар муборак” қўшиғининг матни! Халқ орасида тўйларда қувонч ва қутлов ифодаси сифатида янграйдиган бу қўшиқни тинглаганимизда, кўз олдимизга шодиёна, бахтли ёшлар ва эзгу тилакларга тўла давра келади. Аммо биз қувончли онларда завқ билан тинглайдиган бу таронанинг сўзларига бироз чуқурроқ назар ташласак, улар замирида бошқа бир маъно, ошиқ қалбининг изтироби ва Ҳаққа интилиш туйғуси яширинганини англаш мумкин.

Қўшиқ Бобораҳим Машраб номи билан боғланиб, халқ орасида “Машраб муножоти”, деб ҳам тилга олинади. Айрим ривоятларда шоирнинг мазкур сўзларни дорга олиб борилаётганида айтгани ҳақида ҳикоя қилинади. Бу ўринда ўлим фақат ҳаётнинг тугаши эмас, балки ошиқнинг Ҳаққа етишиш арафаси сифатида тасвирланади. Бироқ ушбу воқеа тарихий ҳужжатлар билан ишончли тасдиқланмаган. Шу боис уни аниқ содир бўлган ҳодиса эмас, балки шоир шахсияти атрофида шаклланган ривоят сифатида баҳолаш лозим.

ТЎЙ — ФАҚАТ ШОДИЁНА ЭМАС

Бугун тўй-ҳашамларда қўшиқнинг келиб чиқиши ёки матнидаги маъноларни билмасдан, уни фақат оҳанги ва таниш нақорати учун ижро этиш ҳолатларига дуч келиш мумкин. Албатта, халқ орасида яшаб келаётган қўшиқлар вақт ўтиши билан янги маъно касб этиши табиий. Оғзаки ижоднинг жонлилиги ҳам шунда: ҳар бир авлод уни ўзича қабул қилади, куйлайди ва кейинги авлодга етказади.

Бироқ маънонинг ўзгариши билан асл мазмуннинг унутилиши бир хил нарса эмас. Агар қўшиқда мотам, айриliқ ёки илоҳий изтироб ифодаланган бўлса, унинг тўйда янграши табиий равишда маънавий хатога айланмайди. Бунинг учун асарнинг асл матни, тарихи, халқ орасида қандай шаклланган ва ижро анъаналарига назар ташлаш керак. Шу билан бирга, маданий меросга ҳурмат унинг маъносини билишдан бошланишини ҳам унутмаслик лозим.

Масалан, бирор шеърнинг сатрлари дастлаб ҳасрат ва ҳижронни ифодалаган бўлиши, кейин эса севги ёки қутлов мазмунида қабул қилиниши мумкин. Бундай жараённи бир ёқлама қоралашдан кўра, унинг сабабларини ўрганиш тўғрироқ. Лекин асарнинг маъно қатламларини билиб туриб, уни фақат томошабоплик ёки давра кайфияти учун ишлатиш масаласи алоҳида мулоҳаза талаб қилади.

Зеро, миллий меросга муносабат фақат “бу қўшиқни айтиш мумкинми ёки мумкин эмасми?”, деган саволдан иборат эмас. Асосий масала — биз куйлаётган сўзлар нимани англатишини биламизми, улардаги ҳиссиёт ва ғояни англашга ҳаракат қиламизми?

МАШРАБ ВА ИЛОҲИЙ ИШҚ

Бобораҳим Машраб ўзбек мумтоз адабиётида ишқ, руҳий эркинлик, ҳақиқатни излаш ва риёкорликни рад этиш ғоялари билан танилган шоирлардан биридир. Унинг ижодида ошиқнинг дарди, маъшуққа интилиши ва бу йўлдаги изтироблар муҳим ўрин тутади.



Тасаввуф шеъриятида ошиқ ва маъшуқ образлари кўпинча оддий инсоний муносабатлар доирасидан кенгроқ маъно англатади. Улар орқали инсоннинг Яратганга муҳаббати, руҳий покланишга интилиши ва ҳақиқатни англаш йўлидаги кураши ифодаланади. Шу боис Машраб номи билан боғланган “Тўйлар муборак” қўшиғининг илоҳий мазмунда талқин қилиниши унинг ижодий руҳи билан уйғун кўриниши мумкин.

ОҲАНГ ОРТИДАГИ МАЪНО

Қўшиқнинг таъсир кучи, эҳтимол, айнан шу икки хил маъно қатламининг ёнма-ён яшашидадир. Бир томонда — тўй шодиёнаси, қутлов ва бахт тилаги. Иккинчи томонда эса — соғинч, интизорлик, руҳий изтироб ва висол орзуси.

Мумтоз адабиётимизнинг ўзига хос жиҳати ҳам шунда: ундаги сўзлар биргина маъно билан чекланмайди. “Ишқ”, “ҳижрон”, “висол”, “ёр” каби тушунчалар ҳам инсоний муҳаббатни, ҳам илоҳий интилишни ифодалаши мумкин. Шунинг учун асарни тушунишда унинг матни, тарихи ва бадиий рамзларини биргаликда ўрганиш муҳим.

Зеро, маънавий меросга ҳурмат уни ўзгаришлардан бутунлай ҳимоя қилиш дегани эмас. Унинг тарихини билиш, турли талқинларини англаш ва кейинги авлодга мазмунини тушунтириб етказиш ҳам шу ҳурматнинг бир қисмидир.

Айтиш керакки, мазкур қўшиқ асосида кейинчалик ҳам кўплаб шеърлар, ғазаллар битилган. Масалан, Собир Абдулла сўзи, Тўхтасин Жалилов мусиқаси билан яратилган шундай қўшиқ илк марта “Тоҳир ва Зуҳра” мусиқали драмасидан ўрин олган. Уни Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Йўлдошев куйлаган. Матни Машраб талқинига ўхшаш, мусиқалари ҳамоанг.

Балки “Тўйлар муборак” қўшиғининг бугунги шодиёна давраларда янграши халқнинг унга берган янги маъносидадир. Балки унинг замиридаги ҳасрат ва висол ғояси ҳамон тингловчини ўйлантирар. Лекин бир нарса аниқ: биз куйлаётган қўшиқнинг тарихини билишга интилиш — ўзлигимиз ва маънавий меросимизга бўлган ҳурматнинг ифодасидир.

Ш.АКБАРАЛИЕВА,
журналист.

МОҲИЯТ

Баъзан биргина паст баҳо, жаҳл ёки синфдошлардан узоқлашиш ортида боланинг ўзи ҳам тушунтириб бера олмайдиган кечинмалар яширин бўлади. Бундай ҳолатларни инжиқлик деб баҳолаш ўрнига, уларнинг сабабини англаш муҳим. Зеро, таълимда билим билан бирга руҳий саломатликка ҳам эътибор қаратиш зарур.

БОЛАНИНГ ИНЖИҚЛИГИ ОСТИДА САБАБИ БОР

Президентимизнинг **“Узлуксиз таълим тизимида психологик хизмат соҳасини илмий асосда ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги** қарорига мувофиқ, таълим ташкилотларида тарбияланувчилар, ўқувчилар, талабалар ва педагоглар ҳар ўқув йилида камида бир марта психологик таҳлилдан ўтказилади. Тизим 2026-2027 ўқув йилидан мактабгача ва умумий ўрта таълимда, 2027-2028 ўқув йилидан эса ўрта махсус, касбий ва олий таълимда босқичма-босқич жорий этилади.



Натижалар сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиниб, иштирокчилар психологик барқарор, қўллаб-қувватлашга муҳтож ва фаол психологик ёрдам зарур бўлган гуруҳларга ажратилади. Эҳтиёжга қараб, уларга таълим ташкилоти психологи ёки ҳудудий ментор психолог бириктирилади.

Бироқ таҳлиллар ўтказиш муаммони аниқлашнинг дастлабки босқичи, холос. Асосий натижа — ўз вақтида ва малакали ёрдам кўрсатишда кўринади. Текширув хулосалари болага тамға қўйишга эмас, унинг эҳтиёжларини англаш ва имкониятларини ривожлантиришга хизмат қилиши керак.

Қарорда шахсга доир маълумотлар ва жараёнда олинган ахборотни сир сақлаш белгиланган.



Бухоро маҳаллаларида “ВАҚФ” ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ 130 нафар болажонга кузги кийим-кечаклар ҳадя қилди.



“АДАБИЙ ТАЖРИБА АЛМАШИШ” лойиҳаси доирасида ўзбекистонлик ижодкорлар Қозоғистонда бўлишди.



Пойтахтимизда кикбоксинг бўйича ўтказилган жаҳон кубогида ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ умумжамоа ҳисобида ғолибликни қўлга киритди.

МУЛОҲАЗА

БУ ТУРФА ДУНЁ

(Ўзим учун қайдлар)

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



ЗАРУРАТ

Улуғ аллома: “Агар мен билмаган нарсаларимни тугун қилиб оёғим остига қўйганимда, бошим осмонга етар эди”, деган экан. Бошқа бир обиднинг фикрича, инсон билиши зарур ва шарт бўлган билимларнинг мингдан бирини ҳам билмай бу дунёни тарк этади. Ўзингга ўзинг савол бергинг келади: “Хўш, нима қилиш керак – билганинг сари ҳеч нарсани билмаслигинг, англаганинг сари ҳеч вақога фаҳминг етмаётгани равшан бўлаверса...”

Ўзининг юз ёшини оғир бетоблик тўшагида қаршилаётган машҳур олим деразадан ташқарига қараб, ёнида ўтирган шогирдидан: “Ҳозир айни ёз бўлса, нега энди ташқарида шаррос ёмғир ёғмоқда, осмоннинг авзойи бузуқ, бунинг сабабини билишни хоҳлайман, сен нима деб ўйлайсан?”, деб сўраган экан, шогирд: “Устоз, шуни билиш сизга шу ҳолатингизда нега зарур бўлиб қолди, соғлиғингизни ўйласангиз-чи?”, дебди.

Устоз шогирдига мулойим оҳангда жавоб берибди: “Бўтам, бунинг сабабини билмай ўлиб кетганимдан, билиб ўлганим маъқул эмасми?!”.

ЎГРИ

Уйдаги китобларимдан бири йўқолиб қолди. Кимгадир ўқишга берган бўлишим мумкин ёки кимдир кўзимни шамғалат қилиб қўйнига урган. Жуда зарур китоб эди. Хоразмлик курсдошим Шихназар Аҳмедов Москвадан олиб келганди. Бир-икки киши ўқиди. Кейин... изсиз йўқолди. Шу чоққача пул, буюм деганни, дўст-қадрдонни кўп йўқотганман, аммо ҳеч бирини АҚШнинг собиқ Президентларидан бири қаламига мансуб бу китобчалик қидирган эмасман.

Дунёнинг элликдан ортиқ тилларига таржима қилинган ушбу асарнинг айрим бобларини таржима қилиш ниятида эдим. Фолбинларга боришдан бошқа ҳамма ишни қилдим, сўраб-суриштирдим, ўсмоқчиладим ҳам — натижа бўлмади. Кейин... бошқа китобларга андармон бўлиб, ҳовурим босилай-босилай деб турганида — изи чиқиб қолди. Бир анжуманда маъруза қилаётган эдим. Йўқолган китобда ўқиганим — бошқа ҳеч бир манбада йўқ ажабтовур воқеа ҳақида сўзлаётиб, бир рақамни сал бўрттириб айтган эканман, ёнимда турган касбдошларимдан бири мени дарҳол тузатди.

Хурсанд бўлиб кетдим. Китоб топилди. Балки менга қайтмас, аммо жуда узоқда ҳам эмас. Янада муҳими — у ўқилмоқда.

БИРОВ БИЛДИ...

Убироз кечикиб туғилган бола эди. Шу боис чақалоқнинг инга-ингаси эр-хотин ўртасида совий бошлаган муносабатларни яна асл ҳолига келтирди.

Чақалоққа Орзимурод деб исм қўйишди. Топган-тутганларини дастурхонга тўкиб, қариндош-уруғ, дўст-қадрдонга ақиқа оши тортмоқчи бўлишганди, кимдир: “Ҳай-ҳай, асло ундай қилманг, бола кўзикиб кетади”, деди. Ақиқа маросими жуда камтарин ўтди, биров билди, биров билмади.

Орзимуроднинг суннат тўйи ҳам чоққина ўтди. Отасининг елкасига омад қуши қўниб, баландроқ лавозимга ўтирган пайт эди-да, бир-иккита ҳамкасби: “Тўйни катта қиворманг, нозик жойда ишлаяпсиз”, деб шипшиб қўйишди.

Орзимурод уйланганида, ўзи фарзанд кўрганида ҳам шундай бўлди. Фарзандлари улғайгач, орттирган уч-тўрт сўмига ҳовли қурмоқчи бўлганди, “Ҳай биродар, сал ўйлаб иш қилинг. Отангиз фалон жойда, ўзингиз пистон жойдасиз, “дом”ингиз бўлса бор, ҳовлини нима қиласиз, гап-сўз бўлиши мумкин”, деб бу ниятидан қайтаришди.

Гап-сўз бўлишидан қўрқиб, ҳовли қурмади, машина сотиб олмади, умрида бирор марта бўлсин, бола-чақаси билан курортга бориб дам олмади. Эллик, олтмишга кирганини биров билди, биров билмади.

Набираси уйланаётганида ёшлар “Тўйни фалон ресторанда қиламиз, фалон-фалон санъаткорларни таклиф қиламиз, қанча дейишса, берамиз”, деб оёқ тираб қолишди. Маслаҳатчиларнинг фикри эса бутунлай бошқача бўлди: “Дабдабанинг нима кераги бор, эл оғзига тушган тўйнинг хосияти бўлмайди”.

Тўй маҳалла чойхонасида, маҳалла ҳаваскорлари иштирокида ўтди. Бировга маъқул келди, бошқа биров бурнини жийирди: “Ўл, хасис, пулинг бўлса бор, тўй деганни варанглатиб қилмайсанми...”

Орзимурод ота пенсияга чиқаётганида ҳамкасблари маромига етказиб мақташди. Камтар, камсуқумлиги, ўзини ўт-чўққа урмаслиги, бетга чопмаслиги, ким нима деса, “хўп” дейишини такрор-такрор айтиб, қўлига бир даста гул тутқазишди.


Отахон гулни кўтариб уйига келди. Бекорчилик, кун санашга ўтди. Умрида биринчи марта касал бўлди. Узоқ вақт ётиб қолди. Биров билди, биров билмади.

Ўтган йили баҳорда Орзимурод отанинг қазоси етди. Маҳалладошларидан бири: “Таъзия маросимида бир-икки киши гапирсин”, дегандай гап қилганди, масжид имоми унга ёвқараш қилди. Марҳум “Менга ҳеч нарса керакмас”, дегандай қўлларини кўксига қўйиб, шаҳар чеккасидаги қабристоннинг бир четидан қазилган қабрга беозоргина кириб кетди.

Хотира маросимлари чоққина ўтди. Биров билди, биров билмади...

ХИДОЯТ БЕКАТИ

— Айрим сотувчилар тухумни, яна бошқалари кийимни килограммда сотиб олиб, доналаб сотишади. Темир билан шуғулланувчи айрим савдогарлар темирни тонналаб олиб, метрлаб сотишади. Буларнинг савдоси дуруст бўладими?





Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.

— Бундай савдо дуруст бўлади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда “Нисо” сурасининг 29-оятида ўзаро розилик билан бўлган тижоратга рухсат берган: **“Эй иймон келтирганлар! Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманглар. Магар ўзаро розилик ила тижорат бўлса, майли. Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга раҳмлидир”.**

Саволда айтилган ҳолатда харидор маҳсулотни кўриб туради, кийимларни бичимини билади, темирнинг ҳам узунлигини кўриб-билиб туради. Шариатимизда қандай шаклда сотиб олинган бўлса, шундай сотилсин, деган талаб йўқ. Сотиб олишда доналаб олиб, сотишда килограммда сотиш ҳам мумкин.

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

Японияда давом этаётган Пара Осиё ўйинларида Ўзбекистон делегацияси яна бир юксак натижага эришди. Эркаклар ўртасида F41 классининг ядро улоқтириш баҳсида иштирок этган Бобуржон Омонов 13,07 метр натижа қайд этиб, олтин медални қўлга киритди. Ҳамюртимиз ушбу натижаси билан Пара Осиё ўйинлари рекордини ҳам янгилади.

МАТОНАТ ОҒИРЛИКНИ, ИРОДА МАСОФАНИ ЕНГАДИ



Марҳамат туманидаги “Шомат” маҳалласи фарзанди Бобуржон Омонов 2016 йилдан мураббий Мавлон Ҳайдаров раҳбарлигида паралимпия спорти билан шуғуллана бошлади. Унинг спортдаги дастлабки қадамлари вақт ўтиши билан катта мақсадлар сари йўл очди. Бир йил ўтиб, ёшлар ўртасидаги Пара Осиё ўйинларида ғолиб бўлди. 2018 йилда эса катталар ўртасидаги Пара Осиё ўйинларида ҳам шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

2019 йилда Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган жаҳон чемпионатида илк бор олтин медални қўлга киритди. Кейинчалик “Токио-2020” Паралимпия ўйинларидаги ғалаба унинг спортдаги энг катта ютуқларидан бирига айланди.

Ядро улоқтириш ташқи томондан бир лаҳзалик ҳаракатдек кўринади. Спортчи ядрони қўлига олади, гавдасини ҳаракатга келтиради ва уни имкон қадар узоққа улоқтиради. Аммо бу қисқа фурсат ортида куч, мувозанат, тезлик, ҳаракатлар мувофиқлиги ва аниқ техника уйғунлиги туради. Биргина нотўғри ҳаракат улоқтириш масофасига таъсир қилиши мумкин. Шу боис спортчи кучини ошириш билан бирга, ҳар бир ҳаракатни пухта ўзлаштириши, машғулотлардаги хатоларини таҳлил қилиши ва жисмоний зўриқишдан кейин тикланишига ҳам жиддий эътибор қаратиши зарур.

Бобуржон Омоновнинг спортдаги ютуқлари йилдан-йилга юксалиб борди. 2023 йилда Парижда ўтказилган жаҳон чемпионати, шунингдек, Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Пара Осиё ўйинларида ғолиб чиқиб, мусобақалар рекордини ўрнатди. 2024 йилда Париж мезбонлик қилган Паралимпия ўйинларида эса 14,32 метр натижа кўрсатган спортчи яна бир бор ўзининг энг юқори имкониятларини намоён этди. Шу тариқа, Бобуржон икки карра Паралимпия ўйинлари чемпионига айланди.

Унинг халқаро майдонлардаги хизматлари муносиб эътироф этилган. Бобуржон Омонов 2021 йилда **“Ўзбекистон ифтихори”** фахрий унвони, 2024 йилда эса **“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи”** фахрий унвони билан тақдирланди.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

*— Фарзандимнинг ҳар бир ғалабаси биз учун катта қувонч, **— дейди спортчининг онаси Сурайёхон Қосимова.** — Лекин унинг бугунги ютуқларига қараб, фақат медалларни кўрмаймиз. Бу натижаларга етишиш учун қанча меҳнат қилганини, машғулотларга бориб-келишини, ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун қанчалик интилишини ҳам биламиз. Мусобақа пайтида унинг натижасини кутар эканмиз, юрагимиз ҳаяжонга тўлади. Олтин медаль билан Ватанимиз байроғи кўтарилганини кўриш эса барча ҳаяжонларимизни унутишга арзийди.*

Инсоннинг камол топишида оила билан бирга, у вояга етган муҳитнинг ҳам ўрни бор. Маҳалла — инсоннинг илк ютуқлари қувонч билан қарши олинадиган, унинг интилишлари қўллаб-қувватланадиган, яхши натижалари бошқаларга ибрат бўладиган маскан.

*— Бобуржон — маҳалламизнинг фахри, **— дейди “Шомат” маҳалласи раиси Илҳомиддин Исмоилов.** — Унинг халқаро мусобақаларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтараётгани барчамизни қувонтиради. Энг муҳими, имкониятлари чекланган бўлишига қарамай, Бобуржоннинг улкан ирода, матонат ва тинимсиз меҳнат эвазига шундай юксак натижаларга эришаётгани кўпчиликка, айниқса, ёшларимизга ибратдир. Унинг ҳаёти ва спортдаги муваффақиятлари инсон ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, қийинчиликлар олдида ортга чекинмаса, катта марраларни забт этиши мумкинлигини кўрсатади.*

Бугун Бобуржон Омоновнинг навбатдаги олтин медали ва рекорди ёшлар учун ибрат, юртимиз учун ифтихор, маҳалласи учун эса катта қувончдир. Энг муҳими, унинг босиб ўтган йўли бир ҳақиқатни англатади: инсоннинг имкониятини фақат бошланғич шароити билан ўлчаб бўлмайди. Мақсад, меҳнат ва ирода бирлашган жойда янги марралар сари йўл очилади.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис:
«MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами: А2, 4 б.т.
8 309 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1020